

# ЖАМЛ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 6 февраль жума  
Сотувда эркин нархда № 27-28 (1808-1809)

## «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинсин.  
2. Олий Мажлисининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси тушган таклифларни манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда умумлаштириш ҳамда мазкур Қонуннинг маромига етказилган лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамага киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 3 февраль.  
(Ўшбу Қонун лойиҳаси газетанинг 2-саҳифасида эълон қилинмоқда).

## ОЗОДАЛИК — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Вазирлар Маҳкамасида Республика эпидемия-га қарши кураш фавқулодда комиссиясининг йиғилиши бўлди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, вилоят ҳоким-ларининг ўринбосарлари қатнашди.

Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди. Йиғилишда Нукус, Самарқанд, Наманган шаҳарларининг санитария ҳолати ҳамда ўткир юқумли касалликлар бўйича республикада эпидемик барқарорликни таъминлаш, уларни қўшни давлатлардан кириб келишининг олдини олиш чора-тадбирларини тақомиллаштириш ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди. Республика Бош давлат санитария вазири Б.Нисоматов ва соғлиқни сақлаш вазири Ш.Каримовнинг ана шу ҳақидаги ахбороти тингиланди. Нукус, Самарқанд, Наманган шаҳарларининг ҳокимлари А.Аметов, А.Носиров, Н.Тожибоев, коммунал хизмат кўрсатиш вазири В.Михайлов мазкур масала юзасидан сўзга чиқди.

Маълум бўлишича, уччала шаҳарнинг ҳам санитария ҳолатини яхшилашга дахлдор ташкилотларнинг фаолияти қониқарли эмас. Текширилган шаҳарларда санитария-соғломлаштириш комплекси чора-тадбирлари маълум даражада амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, аҳоли орасида юқумли касалликларнинг нисбатан кўпаяётгани сезилляпти. Бундай ноҳус аҳолига, айниқса, санитария-тозалаш ишларининг талаб даражасида ташкил этилмаётгани сабаб бўлмоқда. Санитария-тозалаш автокорталарида махсус автомашина ва механизмлар-

дан етарлича фойдаланилмапти. Транспорт воситаларининг аксарият қисми техник жиҳатдан яроқсиз ҳолатда. Бу эса чиқиндиларни вақтида ташиб кетиш имконини қечлаб қўймоқда. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашдаги оқсоқликлар ҳам турли юқумли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бу борада вилоятларда қатор камчиликлар мавжуд.

Йиғилишда йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этиш, республикада камизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида, кўча ва ҳонадонда тозаланиш ва озодаликка эришиш, чиқиндилар тўпланиб қолишига йўл қўймастик, ободонлаштириш ишларини мунтазам ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Бундай масъулиятли масалага жиддий ёндашиш зарурлиги қайд этилди. Ҳар бир қорхона ва ташкилот, ҳар бир маҳалла, қишлоқ, ҳар бир хонадон, ҳар бир фуқаро бу ишга алоҳида аҳамият бериши, яъни юртимизнинг ҳар бир гўшаси обод ва пок-за бўлиши учун ҳамма баварар ҳаракат қилмоғи лозим. Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, соғлиқни сақлаш тизими муассасадилари бу ишга бошқоқ бўлмоқлари даркор. Шу нуқтан-назардан келиб чиқиб, тегишли вазирлик, идора раҳбарларига, ҳокимликларга аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари А.Азизхўжаев, Р.Юнусов сўзга чиқди.

(ЎзА)

## ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Унда ҳукуматга қарашли бўлмаган, ушбу Марказ таъсис этилганлиги маъқулланиб, Марказнинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилди.  
4 февраль кунини Тошкентда мазкур Марказ таъсисчиларининг мажлиси бўлди. Сўзга чиққанлар бу Марказ-

нинг ташкил этилиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жамоатчилик фикрини ўрнатиб ишларини янада яхшилашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Мажлисада ташкилий масала кўрилди. Республика меҳнат вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаб келётган Р.Убайдуллаева «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги Марказининг директори этиб сайланди.

(ЎзА)


## 1998 йил — Оила йили

### ИЖТИМОЙ СОҶАГА ЭЪТИБОР

Сирдарё вилоятида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга, айниқса, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари қурилишига катта эътибор берилмоқда. Утган йилнинг ўзидаёқ 14 та қишлоқ врачлик пункти, жами 2380 ўринли 6 та мактаб ишга туширилди. Президентимиз ташаббуси билан Оила йили деб эълон қилинган ушбу йилда 15 та қишлоқ врачлик пункти, 120 ўринли болалар касалхонаси, 12 та янги мактаб қурилиши режалаштирилган. Қуни кеча ана шундай ишшоотлардан дастлабкиларини фойдаланишга топшириш маросими бўлди. Ховос тумани «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» номидаги хўжаликнинг Оқчангал қишлоғида врачлик пункти, Гулистон шаҳридаги Дўстлик қўрғонда 840 ўринли мактаб фойдаланишга топширилди.

Маросимларда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Гуломов, вилоят ҳокими У.Исмомов қатнашди.

Фарҳод НОРМАТОВ,  
ЎЗА мухбири.



Бугун шаҳар ва қишлоқларимиз дўконлари пештахталарида хоржидда ишлаб чиқилган маҳсулотлар билан бир қаторда мамлакатимизда тайёрланаётган халқ эҳтиёжи моллари ҳам харидорлар бўлиб қолади.

Чарчиди «Кибо» Ўзбекистон — Германия қўмак қорхонасининг илгор тилкучиси Шаҳноза Баҳодирова (суратда)нинг таъкидлашича, бунинг асосий сабаби меҳнат маданиятига бўл-

лик. Меҳнат маданияти тушувчасининг эса унсурлари мўл: янги технология, кучли ишчилик, касбга садоқат, жамоатадаги ҳурмат ва ҳоқозилар.

Болалар пойабзали ишлаб чиқараётган «Кибонинг муваффақиятлари сирини энди биз ҳам билгандирсиз...»

Тўлқин КАРИМОВ олган сурат.

## ТАСИС ДАСТУРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАОЛИЯТИГА БЕШ ЙИЛ ТЎЛДИ

Тошкентдаги «Туркистон» саройида ТАСИС дастури Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётганига беш йил тўлиши ҳамда Европа Иттифоқи комиссияси делегациясининг мамлакатимизга ташрифи ақунлари бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Маълумки, тасис дастури янги мустақил мамлакатлар ҳамда Мўғулистон учун берадиган молиявий ёрдам кўрсатиш орқали мазкур давлатларда бозор иқтисодиётига ўттиш жараёнига қўмаклашиш ва демократияни ривожлантириш мақсадида Европа Иттифоқи томонидан ташкил этилган. ТАСИС дастури Ўзбекистонда 1992 йил ноябрь ойидан бошлаб фаолият кўрсатиб келади. Ушбу дастур асосида дастлабки йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Тошкент вилоятидаги хўжаликларни, шунингдек, улгурчи ва чакана савони хусусийлаштириш тармоқлари-

инфратузилмаларини ривожлантириш билан боғлиқ йўналишлар устувор саналади. Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда тасис дастури доирасида инсон ресурсларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини тақомиллаштириш, қорхоналар, банк, молия тармоқлари, транспорт ва телекоммуникация, энергетика тизимларини ислоҳ қилиш, ривожлантириш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Матбуот анжуманида мамлакатимизга ташриф буюрган Европа Иттифоқи комиссияси делегацияси аъзолари билан Ўзбекистон ҳукумати ақиллари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар муваффақиятли ақун-данги таъкидланди. 4 февраль кунини Европа Иттифоқи комиссиясининг Марказий Осиё, Кавказ мамлакатлари, Мўғулистон билан алоқалар бўлимининг раҳбари Корнелиус Виттерборд бошчилигидаги

делегация Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Фаниев билан музокаралар ўтказди. Музокараларда Ўзбекистонда ТАСИС дастурининг 1998-1999 йиллардаги фаолияти бўйича келишувга эришилди. Матбуот анжуманида К.Виттерборд бўлиб ўтган учрашувлар чоғида Европа Иттифоқи комиссияси ТАСИС дастури доирасида Ўзбекистонда амалга оширилажак лойиҳаларни молиявий таъминдаги ушбу 29 миллион ЭКЮ миқдорига маблағ ажратишини маълум қилди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида ҳар томонлама алоқалар тўбора кенгайиб бораётгани, ТАСИС дастури доирасида амалга ошириладиган ишлар мазкур ҳамкорлик жараёнининг муҳим бўтинларидан бири экани таъкидланди.

(ЎзА)

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА ҚОНУНЧИЛИК — УЗЛУКСИЗ ЖАРАЁН

Олий Мажлисининг Иқтисодий ислохотлар ва тadbиркорликни ривожлантириш қўмитаси котиби Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ билан суҳбат

— Одатда йил ақунланган сарҳисоб қилиниб, янги режалар белгиланади. Қўмитада ўтган йилги иш режаси қай даражада ўздәланди? Умуман, қўмитанинڭ йиллик иш фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.  
— Мамлакатимизда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар, аввало, инсон манфаатларига мос ҳолда макроектисодий барқарорликка эришиш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш, халқни маънавий барқамол қилиш, юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга қаратилляпти. Шунга мувофиқ тарзда қўмитамиз ўз амалий фаолиятида Олий Мажлисининг 1996-1999 йилларга мўлжалланган фаолият дастуридан келиб чиқиб, мамлакатимизда юз бераётган чуқур ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосини яратишга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги замон шароити-

да иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, тadbиркорликни ривожлантириш ва мулкдорлар синифини шакллантиришга қаратилган, табиий ресурсларни тартибга келтириш ҳуқуқий йўналиши бўлиб келляпти.

Ўзбекистон Республикасида табиий монополияларга нисбатан давлат сибсатини белгилаб бериш ҳамда истеъмолчилар ва табиий монополия субъектлари манфаатларини мослаштиришга хизмат қилувчи «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонун тавбёрланди ва Олий Мажлисининг VIII сессиясида маъқулланди. Жумладан, Олий Мажлисининг IX сессиясида қўмита ташкирлаган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги, «Божхона тарифи» ҳақидаги Қонунлар қабул қилиндики, булар божхона тизимини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Маълумки, ташқи иқтисодий алоқаларни янада тақомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосини яратиш янги қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишни тақозо этади. Қўмитамиз томонидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда тайёрланган «Божхона кодекси» Олий Мажлисининг X сессиясида қабул қилинди.

Умуман, 1997 йилда қўмита томонидан «Божхона кодекси»дан ташқари бешта қонун лойиҳаси тавбёрланди ва улар Олий Мажлис сессияларида муҳокама қилиниб, қабул қилинди. Қўмита фаолиятининг яна бир йўналиши қабул қилинган Қонунлар ижросини ўрганишдир. Қўмита республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда аввал қабул қилинган қонунлар иж-

## ХАЙРЛИ ИШГА КАМАРБАСТАЛИК

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бу йил буюк муҳаддис Имом Исмомил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланади. Аллома абадий қўним топанг Челлак туманининг Хартанг қишлоғидаги зиёратгоҳда миллий мейморлик аъёнчалари асосида ахлат ёдгорлик мажмуи барпо этиляпти. Табаррук зотнинг китоблари нашр қилинади, буюк бобоқолимиз ҳақида асарлар, кинофильмлар яратилади. Республика ҳукумати бу хайрли ишлар учун отарли маблағ ажратмоқда. Айтилган бу ишга «Имом ал-Бухорий» халқаро хайрия жамғармаси ҳам камарбасталик қилмоқда. Жамғарма ҳисобига мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларидан маблағлар келиб тушмоқда.

Самарқанд вилояти фаолларининг назорат қилиниши доимо эътиборда тутати. Қўмита режасига мувофиқ, яқин кунлар ичида «Кичик ва хусусий тadbиркорликни рағбатлантириш тўғрисида»ги ва «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунларнинг вилоятлардаги ижросини ўрганиш мўлжалланмоқда.

«Халқ сўзи» мухбири  
Ойбек РАҲИМОВ  
суҳбатлашди.

Х.ШУКУРОВ,  
ЎЗА мухбири.



## ҲАМКОРЛИК

### САМАРҚАНДНИНГ ЯНГИ ДАРВОЗАСИ

Кўчма шаҳар аҳолиси бу бинога кириб, хайратда қолади. Замонавий электр ҳисоблаш техникалари, телекоммуникация жиҳозлари, радиолокация қурилмалари, йўловчилар учун яратилган шарт-шароитлар ҳавас қилувчи даражада.

Дарҳақиқат, халқаро рейслар учун мўлжалланган янги аэроқўналгани самарқандлик усталар билан бирга Япониянинг «Мицубиси», Германиянинг «Сименс», Франциянинг «Томсон», Туркиянинг «Айсел» фирмалари бунёд этишди.

Яқин орада бу ҳаво дарвозасининг учини ва қўшни йўлакларини халқаро андозаларга мос равишда янада мукамаллаштириш режаланмоқда.

## ХАЙРИЯ

### ФИРМАНING ҲАЙИТЛИКЛАРИ

Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги «Дўстлик» маҳалласи намунали маҳаллалардан бири. У ўзининг нафақат тинч-тотувлиги, ободлиги, балки ақил ва саховатпеша одамлари билан ҳам ажралиб туради. Маҳалла ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Темур шайх савдо» хусусий фирмаси муборак Рамазон ҳайити муносабати билан бева-бечоралар, ёғиз қариялар ва кам таъминланган оилаларга 30 миң сўмликдан зиёд совға-саломлар улайди. Бу хайр-ҳасондан баҳраманд бўлаётган фирманинڭ саховати учун чуқур миннатдорчилик изҳор этишди.

«Олтин олма, дуо ол» деганлари шу бўлса керакда!

Азамат СҮЙОНОВ.

## ХУШХАБАР

### ЧЎЛ ҚЎЙНИДА ЯНГИ ҚИШЛОҚЛАР

— Яқин-яқинларда ҳам қўм барханлари, қамшизор янтоқзорлар макон тутган Марказий Фарғона массивида истиқлол шарофати тўғрисида янги қишлоқлар пайдо бўлмоқда, — деб ёзди ўз мухбиримиз. — Биринча Улуғтўрт туманида яқин бир йил ичида 12 та янги қишлоқ пайдо бўлди. 330 та ишаним уйнинг калитини вилоятнинг турли буржакларидан келиб шу ерда меҳнат қилишни ихтиёр этганларга топширилди. Оила йилида яна миңгата уй ўзининг янги соҳибларига тортиқ этилиши мўлжалланмоқда.

Қўламини кенг ана шу ишларнинг аксарияти халқимизнинг қадимий удуми — ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда. Кенг ва равои қўчалар вилоят «Автойўл» бошқармаси жамоаси томонидан бунёд этилмоқда. Вилоят матбуот жамияти уюшмаси ҳодимлари эса янги қишлоқларда, гузарларда ўзаранинڭ кўркам дўконларини қуриб битказмоқдалар. Янги йилнинг дастлабки ойда Шаҳрихондаги 126-қўлма механизацияланган жамоа қорхонаси «Дўстлик» ширкатлар уюшмасида 10 та уйни қуриб битказди.

## УЧРАШУВ

### ШАРТНОМА ТУЗИШ ҲАМ. МАСЪУЛИЯТ

Мулкчилик шакллари турлича бўлган хўжалик субъектлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларини қарор топтириш, уларнинг қону билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида республикамиз хўжалик судлари зиммасига улкан масъулият юклатилган. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиларининг Олий хўжалик суди раҳбарияти ва судьялари билан назарий-амалий учрашувда таъкидланди.

Учрашувда одил судлов тизимини салмоқли ўрин тутган хўжалик судларининг фаолияти ҳақида гап бориб, жорий йилнинг 1 январидан амалга киритилган Хўжалик процессуал кодексида суд муҳокамаси широкчиликларининг процессуал ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги ҳақида тушунарли фикрлар берилди.

Қишлоқ хўжалигида шартномалар тузилишининг аҳолига ҳам тўхталиб, жойларда бу борадаги қатор камчиликларнинг келиб чиқишига ҳуқуқий аҳолининг яқин эмаслиги, айрим раҳбарлар ҳавасча қонуни устуворлигига амал қилмасдан, маълумий-бўйруқчилик билан шугулланаётгани сабаб бўлаётганига диққатни жалб қилдилар. Буларнинг олдини олиш учун жойларда юридик хизмат савийсини кўтартиш зарурлиги таъкидланди.

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55  
133-07-48, 136-37-85

«Совет миллари»ни ЖУШҚИН қузатди.

Ушбу Қонун фермер хўжалиқларини ташкил қилиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг ҳуқуқий асосларини белгилайди, бундай хўжалиқларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг ўзаро ҳамда бошқа юридик ва jismonий шахслар билан муносабатларини тартибга солади.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1-модда. Фермер хўжалиғи Фермер хўжалиғи - ўзинга узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришини юритувчи фермер хўжалиғи аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларида эга мустақил хўжалиқ юритувчи субъектлар.

2-модда. Фермер хўжалиғи тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Фермер хўжалиқларини ташкил қилиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида фермер хўжалиғи тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади.

3-модда. Фермер хўжалиғининг аъзолари Фермер хўжалиғининг бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, асранди болалари, ота-оналари, булар қариндошлари ҳамда меҳнат қобилияти ёшга етмаган, фермер хўжалиғининг бирга юриётган, бу хўжалиқдаги иш ўзининг асосий меҳнат фаолияти жойи бўлган бошқа шахслар фермер хўжалиғи аъзолари.

Фермер хўжалиғида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар фермер хўжалиғи аъзоси ҳисобланмайди. 4-модда. Фермер хўжалиғининг бошлиғи Юридик ва jismonий шахслар билан ўзаро муносабатларда фермер хўжалиғининг манфаатларини шу хўжалиқ бошлиғи ифода этади.

Фермер хўжалиғининг бошлиғи шу хўжалиқнинг Уш саккиз ёшга тулган, қишлоқ хўжалиғида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир.

Фермер хўжалиғининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт ишда бўлмаганда у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалиқ аъзоларидан бирига, фермер хўжалиғининг аъзоси бир кишидан иборат бўлган тақдирда эса, шартнома асосида бошқа ҳар қандай шахсга беришга ҳақлидир.

5-модда. Фермер хўжалиғини ташкил қилиш шартлари Фермер хўжалиғи ташкил қилишда, кўпроқ меҳнат ресурслари орттирилган сезилмаётган ерлар ва ҳудудларда, қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади.

Чорвачилик маҳсулотини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиғида камда 30 шартли бош чорва молли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалиғига ижарага берилган ер участкаларининг энг кам ўлчамини бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғорилган ерларда камда 0,3 гектар, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларида суғорилган ерларда 0,45 гектар, суғорилмайдиган (далмкор) ерларда эса камда 2 гектарни ташкил этади.

Деҳқончилик маҳсулотини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиқларига ижарага берилган ер ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва галлчилик учун камда 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камда 1 гектарни ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиғи ўз зиммасига қишлоқ хўжалиқ экинларининг ҳосилдорлиғини (5 йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустақамлаб қўйилади.

6-модда. Фермер хўжалиғини ташкил қилиш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Фермер хўжалиғи ихтиёрий равишда хўжалиқ бошлиғининг тўғри ҳолати ва қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи) бошқарувида ёзма мурожаати асосида ташкил қилинади. Ариқлада суғорилган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, фермер хўжалиғининг таркиби кўрсатилган ҳамда товар қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг бизнес-режаси тақдим этилади.

Қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи) бошқаруви фермер хўжалиғини ташкил қилиш тўғрисидаги масалани умумий йиғилиши муҳокамасига киритади, йиғилиш бу ҳуседа тегишли қарор қабул қилади.

Туман ҳокими қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи) умумий йиғилишининг фермер хўжалиғини ташкил қилиш тўғрисидаги қарорини ер участкаларини бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг ҳулосасини инобатга олган ҳолда тасдиқлайди.

Туман ҳокимининг фермер хўжалиғини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори тумандаги иқтисодий, молиявий, банк тизимлари учун мажбурий ҳужжатлар.

Фермер хўжалиғи ва ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан фермер хўжалиғи ташкил этилган деб ҳисобланади.

Фермер хўжалиғи устан асосида фаолият олиб боради. Фермер хўжалиғининг уставида қуйидагилар таърифлаб тутилади: фермер хўжалиғининг номи; фаолият ҳосаси ва мақсади; фермер хўжалиғининг бошлиғи тўғрисидаги асосий маълумотлар.

Фермер хўжалиғи фаолиятининг бошқарилиши; ердан ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш тартиби; фермер хўжалиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; фермер хўжалиғи аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг хўжалиқ ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этиш тартиби;

фермер хўжалиғини ташкил қилиш тартиби; фермер хўжалиғининг даромадларини (фойдасини) тақсимлаш, зарарларини қоплаш тартиби; фермер хўжалиғи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик;

фермер хўжалиғи аъзоларининг хўжалиқ мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан жавобгарлиги; фермер хўжалиғининг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши тартиби;

фермер хўжалиғининг жойлашган манзили; фермер хўжалиғи уставини ўзгартириш тартиби.

Устава фермер хўжалиғи фаолиятининг ўзинга ҳос ҳуеусиятлари билан боғлиқ, қонун ҳужжатларида зид бўлмаган бошқа қондалар ҳам киритилиши мумкин.

Фермер хўжалиғини ташкил қилишнинг ушбу Қонунда белгиланган тартиби бузилган ёки хўжалиқнинг устави қонунга номувуфиқ бўлган тақдирда фермер хўжалиғини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги ҳамда рўйхатдан ўтказиш муддатларининг бузилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Фермер хўжалиғи туман ҳокимлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин юридик шахс мақомини олади ҳамда банк муеасасасида ҳисоб-китоб ва бошқа қил ҳисобварақлар оқишга, номи ёзилган муҳрга эга бўлишга, бошқа юридик ва jismonий шахслар билан амалий муносабатлар олиб боришга ҳақлидир.

Посёбқа, қишлоқ ва овул ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир фермер хўжалиғини Хўжалиқ китобига киритиб, унда фермер хўжалиғининг таркиби, хўжалиқ бошлиғи ёки бошлиқ вақтинча еҳд узоқ муддат йўқлигида унинг ваифасини бажарувчи шахс тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек хўжалиққа ажратилган ер участкасида оид асосий маълумотларини қайд этиб қўлади.

2-БОБ. ЕР БЕРИШ, ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ, ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ, СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ

7-модда. Фермер хўжалиқларига берилган ерлар Фермер хўжалиқларига захира ерлар, махусе республика фонди ерлари, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжалиқлардаги ва янги суғорилгандаги мавзеларда ерлар берилади. Уларга зарар кўриб ишлаётган ёки кам рентабелли қишлоқ хўжалиғи қорхоналарининг ерлари ҳам берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиғи кооперативларининг (ширкат хўжалиқларининг) ерлари фермер хўжалиқларига кооперативлар (ширкатлар) аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига биноан берилиши мумкин.

Фермер хўжалиқлари илмий-тадқиқот муеасасаларига, олий ўқув юрталарига, академик лицейларга, касб-ҳунар коллежларига ва умум таълим мактабларига ўқув, таърибга, иш синиш мақсадларида берилган ерларда ҳамда сув фонди ерларида ташкил этилиши мумкин эмас.

8-модда. Фермер хўжалиқларига ер бериш тартиби Фермер хўжалиғи юритиш учун фуқароларга ер участкалари ээлик йиғишга бўлган, лекин ўзи йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади.

Ер участкасиндан оқилона ва самарали фойдаланаётган фермер хўжалиғига қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи) бошқаруви томонидан умумий йиғилишининг қарори асосида қишлоқ хўжалиқ бошлиғи қайта ишлаш, ёки ишлаб чиқаришини ташкил этиш, ийлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўйишга равишда ер участкалари берилиши мумкин.

Фермер хўжалиғи ер участкасини бериш тўғрисидаги қарорни туман ҳокими қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи) умумий йиғилишининг қарори асосида қабул қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING Қ О Н У Н И  
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ  
ТЎҒРИСИДА

Лойиҳа

Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи) бошқаруви ва фермер хўжалиғи бошлиғи томонидан имзоланади.

Ер участкасини олишда мазкур жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Туман ҳокими ва қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи) бошқарувининг ер участкасини беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунув тартибдаги юқори органга, мансабдор шахсга шикоят қилиш мумкин.

Фермер хўжалиғи юритиш учун ер участкаларини олган ва қишлоқ аҳоли пунктида турар жойи бўлган шахсларнинг уй-йўли чекидаги ерлар сақланиб қолади.

Фермер хўжалиғига ажратилган ернинг четггалари натурда ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан расмийлаштирилади.

Фермер хўжалиқларига ер бериш тартиби Ер кодексини, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

9-модда. Қишлоқ хўжалиғи кооперативлари (ширкат хўжалиқлари) аъзоларининг фермер хўжалиғини ташкил этиш ҳусеусиятлари Қишлоқ хўжалиғи кооперативларининг (ширкат хўжалиқларининг) таркибидан чиқиб ва мустақил фермер хўжалиғи юритиш истагида бўлган аъзолар кооператив (ширкат) уставида биноан ўзларига тегишли мулккий пай қийматини ҳамда даромадлар (фойдалани) миқдорини кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнат иштирокчини инобатга олган ҳолда аниқланадиган улўшини олишга ҳақлидир. Мазкур шахслар фермер хўжалиғи юритиш учун қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи) умумий йиғилишининг қарорига биноан шу кооператив (ширкат) ерлари таркибидан ушбу Қонуннинг 6-моддасида белгиланган тартибда узоқ муддатли ижарага ер участкасини олиш ҳуқуқига эга.

Бунда ер участкасини узоқ муддатли ижарага ажратиш қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи) фаолияти учун зарур ер ресурслари ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан уни маҳрум этиб қўйишга мумкин.

Қишлоқ хўжалиғи кооперативининг (ширкат хўжалиғининг) собиқ аъзоси томонидан ташкил этилган фермер хўжалиғини рўйхатдан ўтказиш ушбу Қонуннинг 6-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

10-модда. Фермер хўжалиғининг ердан фойдаланиши Ер участкасини эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳосасида фермер хўжалиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Фермер хўжалиғига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, улар ҳусеусийлаштирилиши, олади-сотди, гаров, ҳал қилини, айирбошлаш объекти бўлиши, шунингдек иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

Фермер хўжалиғи кредитлар олиш учун ўз мол-мулкнинг, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйишга ҳақли.

Фермер хўжалиғига берилган ер участкасини тақсимланмайди. Ер участкасининг ўлчамини ва четггаларини фермер хўжалиғи бошлиғининг розилиги билангина ўзгартирилиши мумкин.

Фермер хўжалиғи бошлиғи вафот этган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини шу хўжалиқ аъзоларининг давом этириши истагида бўлган хўжалиқ аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади. Фермер хўжалиғи бошлиғи меҳнат қобилиятини тўла йўқотган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини хўжалиқ аъзоларининг розилиги билан улардан бирига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда берилади.

Фермер хўжалиғи фаолияти тугатган тақдирда, уни юритиш учун берилган ер участкасини ижарага олиш шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши керак.

11-модда. Ер участкасиндан фойдаланганлик учун ҳақ Фермер хўжалиғига берилган ер участкасиндан фойдаланганлик учун ҳақ туман бюджетига киритиладиган ҳар йилги ижара ҳақи тариқасида ер участкасининг сифати, жойлашган ерига ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, унинг кадастр баҳосини инобатга олган ҳолда белгиланадиган ер солиғи ставкасини миқдорда ундирилади.

Фермер хўжалиғи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида ер участкасини учун ижара ҳақи ундирилмайди.

12-модда. Фермер хўжалиғига сувдан фойдаланиш Фермер хўжалиқлари учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

Фермер хўжалиғига бериладиган сувнинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

3-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ХАМДА УНИНГ АЪЗОЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

13-модда. Фермер хўжалиғининг ҳуқуқлари Фермер хўжалиғи юридик шахсининг барча ҳуқуқларида эга бўлади. Фермер хўжалиғи тадбиркорлик шахсларидан бири бўлиб, ташкил этилишидан қўзғалган мақсадларга эришиш учун шу мақсадларга мўнаид тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

Фермер хўжалиғи мулкчиликнинг бошқа шахслариди қорхоналар билан тенг ҳуқуқларга эга.

Фермер хўжалиғи тадбиркорлик субъекти тариқасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга: фермер хўжалиғининг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзинга бериш ер участкасини устанда назарда тутилган доирада мустақил ташкил этиш;

етиштириладиган маҳсулотта мустақил равишда нарх белгилаш;

ўзи етиштирган маҳсулотини, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш ҳуқуқини тасаруф этиш;

харид қилишдан маҳсулотта олинган ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш;

тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш; қишлоқ хўжалиғи маҳсулотини етиштирувчиларга сотиш учун ва эркин савдога мўлжалланган акцияларини сотиб олиш;

кредитлар олиш, бошқа юридик ва jismonий шахсларнинг мол-мулк ва пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартнома шартларида, шу жумладан фермер хўжалиқларининг зарур гаров, суғурта ҳамда кредитни узининг бошқа қифолларини таъминлаган ҳолда имтиёзли кредитлашга ҳақ этиш;

ижарага беришнинг рўқсати билан ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда ер участкасини ижарага бериш ҳуқуқини кредит олиш учун гаровга қўйиш;

ўрта ва кичик қорхоналар учун беришган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланиш;

ҳодимларни ишга ёллаш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш.

Қонун ҳужжатларида фермер хўжалиғининг бошқа ҳуқуқлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

14-модда. Фермер хўжалиғининг мажбуриятлари Фермер хўжалиғи қуйидагиларни бажариши шарт: ер участкасиндан белгиланган мақсадда қатъий мувофиқ тарзда фойдаланиш;

ерга табиий объект сифатида зарар етказмаслик; ер участкасини асраш, унинг умумдорлигини сақлаб туриш юзасидан сарф-харажатлар қилиш;

ер участкасини, башарти ижарага олиш шартномасида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир йил ичида ўзлаштириш;

агротехника талабларига, белгиланган режими, сақлаш вази-фаси ва сервисига риоя этиш;

фермер хўжалиғининг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан тўла жавобгар бўлиш;

фермер хўжалиғининг барча аъзолари ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Пенсия жағмараси ва Аҳолини иш билан таъминлашга қўмақлашиш жағмарасига мажбурий бадаллар тўлаш;

фермер хўжалиғининг аъзолари ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнати фаолияти хисобини юритиш; ҳўжалиқ аъзолари ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун халфиса меҳнат шартининг таъминлаш.

Қонун ҳужжатларида фермер хўжалиғининг бошқа мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

15-модда. Фермер хўжалиғи бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Фермер хўжалиғи бошлиғи фермер хўжалиғининг ушбу Қонуннинг 13 ва 14-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ҳамда фермер хўжалиғи фаолиятига раҳбарликнинг унинг устанда назарда тутилган ваколатлар доирасида амалга оширилади.

16-модда. Фермер хўжалиғи аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Фермер хўжалиғининг аъзолари: хўжалиқ аъзолари ўртасидаги шартнома шартлари асосида бир галикда ёки ақка тартибда фойдаланиладиган даромаддан ўз улўшини олиш;

қонун ҳужжатларида мувофиқ давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиш ва ижтимоий таъминлиниш ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалиғининг аъзолари: фермер хўжалиғининг ишлаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши;

хўжалиқ бошлиғи белгиланган меҳнат тартибига бўйсунуши шарт.

Қонун ҳужжатларида фермер хўжалиғи аъзоларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

4-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ МОЛ-МУЛКИ

17-модда. Фермер хўжалиғининг мулки Фермер хўжалиғи: ўзинга қарашли уй-жойлар, хўжалиқ иморатлари, экинзорлар, қишлоқ хўжалиқ экинлари ва қўчатлари, дов-дараклар,\* маҳсулдор чорва моллар, паррандалар, қишлоқ хўжалиқ техникаси, асбоб-ускуна ва ашё-анжомлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек бошқа мол-мулкларга;

ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотта;

олинган даромадларга (фойдага); қонунда тақиқланмаган асосларда олинган бошқа мол-мулкка мулкдорлар.

Қуйидагилар: фермер хўжалиғи аъзоларининг пул ва молдий маблағлари; товарлар, ишлаб, хизматлар реализациясиндан, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромадлар (фойдалар); қимматли қозғалардан олинган даромадлар;

кредитлар; юридик ва jismonий шахсларнинг бегараз хайрига ва бошқа бадаллари, ионалари;

қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар фермер хўжалиғининг пул жағмараларини ҳосил этиш манбалари бўлиши мумкин.

18-модда. Фермер хўжалиғининг мол-мулкига бўлган мулккий ҳуқуқ Фермер хўжалиғининг ўзинга тегишли мол-мулкка мулккий ҳуқуқ давлат ҳимоясинидадир.

Фермер хўжалиғининг мол-мулки унинг аъзоларига умумий (улўшли ёки биргаликдаги) мулк асосида тегишли бўлади.

Фермер хўжалиғининг мол-мулкига унинг аъзолари ўзаро келишув асосида эгаллик қиладилар, ундан фойдаланадилар ва уни тасаруф этадилар.

Фермер хўжалиғи таркибидан бошқа фермер хўжалиғи ташкил этиш мақсадида чиққатган аъзоларига фермер хўжалиғи таркибидан чиққанда мол-мулккаги улўшини натурда олиш ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни ҳосил қилиш, қўйиштириш, сотиб олиш, ижарага ёки мулкчида фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

19-модда. Фермер хўжалиғининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари Фермер хўжалиғи пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасаруф этиш учун банк муеасасида ҳисобварақлар очиб ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалиғининг ҳисоб-китоб ҳисобварақдан маблағларни фақат унинг розилиги ёки суднинг ҳал қилув қарори билан ўчириш мумкин.

20-модда. Фермер хўжалиғининг мол-мулкнинг мерос қилиб қолдириши Фермер хўжалиғининг мол-мулки фуқаролик қонун ҳужжатларининг нормаларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади. Хўжалиқ фаолиятини давом этираётган меросхўрлар мерос ҳуқуқини тўғрисидаги гувоҳнома берилганлик учун давлат пошлинаси тўлашдан овоз этиладилар.

5-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСЛАРИ

21-модда. Фермер хўжалиғининг ишлаб чиқариш фаолияти Фермер хўжалиғи қишлоқ хўжалиғи кооперативи (ширкат хўжалиғи) умумий йиғилишининг қарори билан белгиланган ихтисослашувга мувофиқ ўз фаолиятининг йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳўжалиқнинг мустақил равишда белгилайди. Фермер хўжалиғи қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришнинг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури ҳамда қишлоқ хўжалиғи маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланишга ҳақли.

Фермер хўжалиғи ўзи етиштираётган маҳсулот сифати оид амалдаги норматив ва стандартларга, экология, санитарияга оид ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаб ва қондаларга риоя этиши шарт.

Фермер хўжалиғининг хўжалиқ фаолиятига давлат ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг аралашувига йўл қўйилмайди, бу хўжалиқлар томонидан қонун ҳужжатларин

# ОИЛА

«Халқ сўзи» газетасининг иловаси

6 февраль

№ 2

ЖУМА

1998 йил

ГАЗЕТАНИ  
ИЛТИВОСИГА  
ҚУРА...



Ўзбекистон халқ ҳофизини  
Фотима Мамадалиеванинг «Оила»  
жамаиятида муфти мукаммал  
«Оила»нинг «Халқ сўзи» сонидида

## БЕҲЗОДНИНГ НАБИРАСИ

«Кўпдан чиқади», деганлари рост. Улуғ фозилларни вояга етказган халқнинг наслида истеъдод куртаклари бардавом яшайди. Зотан, бугун ҳам орамизда иқтидорли ёшлар камол топишмоқда. Республика санъат лицейининг 6-синф ўқувчиси Ойбек Исломов, гарчи, ҳали ёш бўлса-да, доғруғи узоқ-узоқларга кетди. «XXI аср мусаввири» республика тасвирий санъат кўргазмаси голиби бўлмиш бу ўспириннинг ишлаган суратлари таниқди мусаввирларни ҳам ҳайратга соляпти. Унинг тасвирлари янги, бетакрор истеъдод бўйи кўрсатаётганидан далолат беради, дейишмоқда баъзилар.

Аслида, Ойбекжон саккиз ёшлик чоғидаёқ тасвирий санъат соҳасида тилга туша бошлаган эди. Ушанда у тенгдош дўстлари орасида ўтказилган тасвирий санъат кўргазмасида биринчи ўринни эгаллади. 1996 йили эса соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган ёш расомлар асарлари намоишида ҳам Ойбекнинг тасвирлари энг юксак баҳога сазовор бўлди. Ниҳоят, ўтган йили Швейцариянинг Лозанна шаҳрида ўтган Бугун жаҳон болалари тасвирий санъат кўргазмасида ҳам иштирок этиб, унинг махсус дипломи-

га сазовор бўлди. Энг муҳими, унинг «Автопойга» ва «От пойгаси» асарлари Лозанна музейларидан бирида доимий намоиш этиш учун олиб қилинди. Яқинда эса Ойбек мўйқаламига мансуб



бешта асар Японияга, яна бештаси эса Деҳли шаҳридаги нуфузли «Шанкар» кўргазмасида намоиш этиш учун олиб кетилди. Демак, ёш истеъдодли ўзбек расомининг бетакрор картиналари ер юзи бўйлаб кеза бошлади. Уларнинг миллионлаб санъатта ошуфта қалблардан чуқур жой олишига ишончимиз комил.

Фафур ШЕРМУҲАММАД,  
Тўлқин КАРИМОВ,  
«Халқ сўзи»  
мухбирлари.

## ЎЗИНИ ИЗЛАЁТГАН ОДАМ

«Бодомзор» даҳасида автобус бекатида ўтирган эдим. Гала-говур ичида бир кекса ўрис аёл ёнимга келиб ўтирди. Маълум бўлдики, юз-кўзларидан нечукдир рўшнолик ёғилиб турган чувакқина, хушбичим кампиршо 76 ёшга кирибди.

— Кўзларимга иссиқ кўриндингиз, ҳойнаҳой, зиёли бўлсангиз керак? — деди ўзини менга яқин олиб.

— Қайдам...

Ўзи ҳам умр бўйи муаллимчилик қилган экан. Гапига қараганда, болалари Масковга кўчиб кетишибди. Она ёлғизланиб қолган. Бир ўзи Чилонзорда турар экан.


— Буёқларда юрибсиз? — сўрадим ундан ажабланиб.

— Ҳа, илгари «Бодомзор» кўчасида яшардик.

Ҳозир ҳам синглим шу ерда туради. Эрини танирсиз, Ўзбекистон халқ расоми эди. Яқинда дунёдан ўтди. Синглим ёлғизланиб қолди. Оғир дардга чалинган. Ундан хабар олиб тураман.



(Давоми 2-бетда).



— Кеннойингиздан айрилганимизга олти ой бўлди. Шу олти ойнинг ўтиши олти йилга чўзилиб кетди-ёв. Шу пайтгача кун бўйи чурқ этмай дарсларини, уй юмушларини қилиб ўтирадиган ўғилларим мутлақо ўзгариб кетиб, мени қўйиб кўйишди. Бир-бирлари билан муштлашгани мушт-

**СИЗ  
НИМА  
ДЕЙСИЗ  
?**

## МУҚАДДАС САЛТАНАТ

Инсон — фаришта эмас. У ҳар нафасда янглишиши, ҳар қадамда қалқиб кетиши мумкин. Оила — бизни ана шундай хавф-хатардан, қалтис ҳаракатлардан асраб тургувчи кутлуг қалқондир. Умримизнинг синчи, тирикчилигимизнинг нишониси, муҳаббатимизнинг ватани, ва ниҳоят, бу фоний дунёда бизлардан қолгувчи ягона ИЗ ҳам оиладир. Оиласини йўқотган одам маълум маънода эс-хушидан ҳам айрилади. Унинг хато қилиши, адашиши осон кечади.

Танишларимиздан бирининг рафиқаси саккиз йилдири, бетоб бўлиб тўшақда ётарди. Уни эса ҳаммаша хотиржам қиёфада учратардим. Хайрон бўлардим: ахир оила, аёлнинг муолажаси, уч ўғилнинг ош-овқати, кир-чири, тирикчилик ташвишлари, рўзгор юмушлари ёлғиз отанинг зиммасида бўлса!.. Бунинг устига, зиёли одамнинг хизмат вазиқаси ҳам осон бўлмаса керак...

Хуллас, орадан анча вақт ўтди. Уни яқинда кўчада учратиб қолдим. Аранг танидим: сочлари оқариб, юзларига ажин тушиб кетибди, қадди ҳам хиёл букилгандек туюлди менга. Одам ҳам шунча тез қарийдими! Ахир эллика етмай... Шу аҳволга тушса-я!

Хайратимни яширолмадим, у ҳам дарров изоҳ беришга тушди.

лашган. Ўқитувчиларидан тинмай шикоят эшитаман. Уйда бўлса ўтигани жой йўқ. Ҳар куни вокзалда тунагандек тонг оттираман. Салима опангизнинг қадри кун сайин эмас, соат сайин билиниб бораёпти. Энди билсам, у шўрлик ётган жойида рўзгоримизни бошқариб, болаларимнинг тарбиясини назорат қилиб ва менинг хотиржамлигимни асраб келган экан. Ўтган кунларни қайтаришнинг иложи бўлгандайди, мен бошимни соябон қилиб, кеннойингизни умримнинг охири кунигача парваришлагга ҳам рози бўлардим...

Мен эса ўйланиб қолдим. Демак, оила шундай салтанат эканки, унга шоҳлармас, кўпроқ маликалар зарур бўларкан-да!.. Йўқса, маликаси салтанатни ёлғиз бошқараётган хонадон соҳибининг қадди шунчалик тез букчаймаган бўларди.

Яна бир аёл мени ҳаммаша хайратда қолдиради. Ёши элликларда. Обрўлигина ишончаларнинг бирида ишлайди. Баланд овозда гапирди. Тутуруқсиз ҳазиллар қилишга ўрганиб қолган. Икки ўғли, келинлари, набиралари бор. Бир қараганда, бировдан ортиқ бўлса ортиқки, кам жойи йўқ. Лекин ўша ҳар доим чарақлаб, шарақлаб юрадиган аёл баъзан худди нохуш воқеа эсига тушиб кетган-



**ХАЁЛЛАР  
ОГУШИДА**

дек бирданга жим бўлиб, бир нуқтага тикилиб қолади. Бу гаيري оддий ҳолат бор-йўғи бир неча лаҳза давом этади, холос. Мен эса бундай фавкулдда сукутларининг сабабини жуда билгим келарди. Ва ниҳоят, билдим ҳам:

— Ёшлигимда қош-кўзлари попу-

марта ўз дардини «дастурхон» қилаётганди. Одамлар одатда кимгадир дардини айтиб кўнглини бўшатади. Бу аёлнинг кўнгли зарра бўлса-да бўшамасди, аксинча, баттарроқ тўлди. Мен эса кутилмаган бундай ҳасратдан батамом қарахт бўлиб қолдим.

Кексаларни кузатсангиз, улар доим «илойим кампирим орқамда қолсин» ёки «Чолим омон бўлсин. Ишқилиб мени тупроққа ўзи топширсин» дея жуфти ҳалолларига умр тилайдилар. Оққушлар ҳам жуфтдан айрилгандан сўнг ҳаётдан юз ўгирадилар, ёлғиз қолишни ўзларига раво кўрмайдилар.

Дарвоқе, ер юзидаги жаммики тирик мавжудот жуфт яратилган. То шу жуфтлик барқарор экан, дунё гўзал ва давомли бўлиб қолаверади.

Оила — ҳаёт гули. Оила — умримиз устун. Унга интилган одамнинг йўллари ҳаммаша равон ва чароғон бўлади. Тасаввур қилинг: кўчада, ишхонада ёки ўзга бир юртда тобингиз қочди. Шунда сиз, табиийки, уйингизга шошиласиз ва албатта етиб келасиз. Лекин уйда мазангиз қочса, энг зарур юмушингиз мумкин. Оиласига ошқарётган одамнинг руҳида ҳам, вужудида ҳам фавкулдда куч пайдо бўлади. Демак, ўз уйига кўнгли қўйиб, оиласига интилган киши ҳаммадан кучлидир.

1998 йил — ОИЛА ЙИЛИ. Республикаимизда 4 миллиондан ортиқ оила мавжуд. Истагимиз, бу муборак йилда уларнинг бирортаси ҳам инқирозга учрамасин. Фарзандлар кўшқанот билан парвоз қилсинлар. Бу дунёда ҳеч ким ёлғизликка ёр бўлмасин. Ҳамма-ҳамма ўз тинчини, бахтини, соғлигини оиласидан топсин.

**Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.**

## КАРПОВ ҒАЛАБАСИНИНГ СИРИ

Анатолий КАРПОВ табиатан ғалати табиатли одам. Асли шахмат бўйича жаҳон чемпионати учун Вишванатан АНАНД билан бўлиб ўтган мураккаб, оғир матчдан кейин яхшилаб ҳордиқ чиқариб олиши лозим эди. У эса орадан ҳеч қанча ўтмай йирик турнирда қатнашиш учун учиб кетди.

— Рақибингиз Ананд сиздан 18 ёш кичик. Тож учун курашда ана шу фарқ сизни безовта қилмадими?

— Тадқиқотлардан маълумки, баъзи партияларда шахматчилар асаби, қон босими фаолияти ўта мураккаб ҳолатда бўлади. Шу боис ҳар бир матч олдида шахматчилар ўз соғлигини яхшилаб кўриқдан ўтказиб оладилар. Мен ҳам учрашув арафасида соғлигимни текширтириб олдим. Бир неча йилдан бери қаровчи шахсий врачим саломатлигимдан ишонч ҳосил қилгачина қатъий ҳулосага келдим. Ўзимча 2-3 йил бундай кўриқдан ўтмаганман, деб юрардим. Аслида эса 6 йил бўлибди. Худога шукр, ҳозирча соғлигимдан нолийдиган жойим йўқ.

— Ушбу учрашувда сизга ким устозлик қилди?

— Тренерларимдан — Михаил Подгаец, гроссмейстерлардан — Александр Онишчук, Иван Марович, Владимир Тукманов ва жисмоний тайёргарлик бўйича тренерим Валерий Крилов.

Афсуски, на давлат спорт қўмитаси ва на Россия Олимпия қўмитасидан ёрдам ололмаганман. Гўё мен Россия спортчиси эмасдек. Лекин мен тез-тез йиғилларда қатнашиб турадиган Испания, Франция, Италия давлатлари худди ўз шахматчиларидек муносабатда бўлдилар. Ғалабадан сўнг ярим соат ўтгач, Канар ороллари ҳукуматидан табрик телеграммаси олдим. В.Черномирдин ҳам табриклади. Лекин

барибир биринчи бўлиб Злотоуст ва Тулада яшовчи ҳамшаҳарларим қутлашди.

— Учрашув қандай ўтганлиги ҳақида гапириб берсангиз.

— Биринчи, тўртинчи партияларда сира қийналмай ғалабага эришдим. Аммо иккинчиси анча мураккаб кечди. Айни шу партия матчдаги энг яхши ўйинларимдан бўлиб қолиши ва уни ғалаба билан яқунлашим мумкин эди. Аммо имкониятларимдан тўлиқ фойдалана олмадим. Йўл қўйилган биргина хато жуда қимматга тушди. Агар шу партияда ҳам қўлим баланд келганида матч анча жуда тез яқунланган бўларди.

Финал жуда ажойиб ташкил қилинди. Бунда ташкилотчиларнинг ҳам, бир неча бор келиб тайёргарлик жараёнидан хабар олган ФИДЕ Президенти Кирсан Илюмжиновнинг ҳам хизматлари катта бўлди.

— «Тез ўйин»га ўтиш олдида креслони алмаштирдигиз, бошлангач эса кофе ича бошладигиз. Шундай қилишни олдида белгилаб қўйганмидингиз?


— Албатта. Биринчи кресло юмшоқ эди ва «Тез ўйин» учун унча мос келмасди. Чунки бундай пайтда ҳар бир лаҳза аҳамиятли. Юмшоқ кресло эса одамни бироз хотиржам қилиб қўяди.

— Жаҳон чемпиони иккигаллига муносабатингиз қандай?

— Каспаров беш йил аввал ФИДЕдан чиқиб кетган. Бошқа халқаро ташкилотни эса мен билмайман.

**АИФ ҳафтаномаидан таржима.**

**ИЛОВАНИ:** Норқобил ЖАЛИЛ, Эсирган БОЛИЕВ, Аброр ОРИПОВ, Шоядбек МАШРАББОЕВ, Рустам АЗИМОВлар тайёрлашди.



## РАСМ-ТОПИШМОҚ

*Мушук. Узум. Нигоҳ.*

*Тасвир ниҳоятда гўзал.*

*Бу ҳақда жуда жўяли гап-*

*лар, қуйма фикрлар айтиш мумкин. Сиз азиз муштарийлардан ана шундай топқирлик талаб этилади. Энг яхши жавобларни газетада эълон қилмиз.*

*Ўзингизни сиёб кўринг.*

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўзингиздан хабар олиб туришга муҳтожсиз-ку. Нега бундай? Тирноқ кўришмаганми?

— Уларнинг ҳам болалари ҳар қаёқларга кетиб қолган.

— Нега ундай қилишди? Сизларни буёқларда ёлғиз қолдириб?..

Минг бўлсам, зиёли-зиёли, она-она-да, ўз болаларидан ҳасрат қилмади. Шундай бўлса ҳам, ҳарчанд сир бермасликка ҳаракат қилмасин, хира торта бошлаган кўзларидан беихтиёр думалаб туша бошлаган аччиқ томчиларни яшира олмади.

— Сизни олиб кетишмадимиз? — дейсиз. Кетсам олиб кетишди-да. Нима қиламан бегона юртларда? Тегимиз масковлик бўлганимиз билан, ўзимиз шу ерда туғилганмиз. Ота-оналаримиз Тошкентда дафн этилган, чирогим. Бошимдан зар сочишса ҳам ўзга юртларга улоқиб кетмайман. Кетганлар кетаверсин...

Шундай деди-ю, қулогимга шивирлади:

— Ўйлабсизки, кетганлар кетганига ҳурсандми? Бел!.. Жазава устида кўчиб кетишиб, энди қайтиб келишнинг йўлини тополмай юришибди.

— Сизларни бу ёқда безовта қилишмаётибдими, ишқилиб? — сўрадим ийманиб суҳбатдошимдан. У ҳай-

рон бўлди.

— Тушунмадим. Ким безовта қилади?

— Эшитмаётибсизми? Масковнинг оммавий ахборот воситалари «чекка ўлкалардаги» ўрислар ва русийзабон фуқароларни маҳаллий халқларнинг хуружидан ҳимоя қилиш ҳақида тинмай аюҳаннос солишаётибди-ку...

Шу пайт, аксига олиб, суҳбат аини қиёмага етганда, 115-автобус келиб тўхтади. Иккаламиз етаклашиб, унга талпин-

бўлса, худди ўша кимсалардан ҳимоя қилиш керак! — деди шеригим. — Ана ўшалар чалғитиб ётибди барчани.

Тўрт кам саксон ёшида бунчалик тиниқ ақлни сақлаб қолган бу доно аёлга таҳсин ўқигим келарди.

Гап асносида бу ғанимат нотаниш суҳбатдошим қалбида бир ўкинч борлигини айтиб қолди.

— Шунча йил ўзбеклар орасида яшаб, улардан бирон ёмонлик кўрмадим, — деди у.

гиз бу гапни?

— Бизнинг ўрислар айтади-да. Қуръонда шундай ёзилган эмиш.

— Эми-и-иш!..

— Ҳа, ундай эмасми?

— Қуръони Каримни ўзингиз ўқиб кўрганмисиз?

— Афсус, тилини билмайман-да. Ўзбек тилида ҳам ўқиёлмайман.

— Ўрисчани биласизми, ишқилиб?

Жавоб қилмади. Истеҳзо билан бир қараб қўйди, дили

бошқа дин ва мазҳабга эътиқод қилувчиларни бизнинг муқаддас китобимиз Каломи шарифда «ғайри дин» дейилса-да, бу асло таҳқирли сўз эмас, бор-йўғи «ўзга динга ибодат қилувчилар» дегани, холос. Исломининг ниҳоятда бағри кенг. У на ирқ, на миллат ажратади. Бутун Ер юзига улкан ибодатгоҳ деб қаралади.

Суҳбатимиз анжом топди. Кампиршо шу заминда туғилибди, ўсибди. Мана энди қариллик гаштини сураётибди экан ҳамки, бошидан не савдолар ўтибди, ўзбекка ҳарчанд ҳурмат сақлагани билан, унинг на дилини, на динини, на тилини билибди. Бу нуроний аёлнинг Шарқ кишилари, маҳаллий, тубжой халқлар ҳақидаги тушунчаси кўча «миш-миш»ларидан нарига ўтмабди. Бўлиб ўтган суҳбатимиздан, шундай маданиятли, ҳалим, зиёли бир инсон ўзи учун худди Американи кашф этган янглиғ таассурот олди. У Чилонзорни ҳам қўйиб, ўз уйига бормасдан, «Бодомзор» кўчасига — синглицаникига қайтиб кетди. Йўлда бора туриб, бир неча марта мен томонга қараб-қараб қўйди...

Мен ҳам ҳайратдан ёкамни ушладим. Ё тавба, бутун Ер юзини забт этиб бўлган одамзот, энди коинотга қараб от солаяпти. Аммо у наинки ёнма-ён қўшниси, боринги, ўзининг кимлиги, нечук хилқат эканини билиб ололмади. Ўз шаҳрида, ўз кўчасида, ўз хонадонидида ўз-ўзини тополмай, ҳар хил пуч чўпчакларга ишониб, адашиб юради...

**Ғайбуллоҳ ас-САЛОМ.**

## ЎЗИНИ ИЗЛАЁТГАН ОДАМ

дик. Шеригим энди қалтираб зинадан чиқа бошлаган эди, барвастан келган, кўполдан кўпол бир аёл уни итариб юборди-да, ўзи чиқиб кетди. Биз бекатга қайтиб, ўтиргичга чўқдик.

— Гап безовталиқ ҳақида бораётган эди, — деб баҳсни давом эттирди қария, ҳаяжондан ўзини босолмай, дағ-дағ титраб. — Бояги автобусдан итариб юборган урғочи «акула»нинг ҳужумидан ҳимоя қилиш керак мени, чирогим. Э... Ўзимнинг қондошим-а! Ёшгина нарса мендай ногирон аёлни итқитиб юборди. Кечирасиз-у, унинг ўрнида бир ўзбек жувон бўлганида, ҳечам шундай қилмасди. Биламан, ўзбеклар кексаларни ҳурмат қилади, бошига кўтарали.

Мен фурсатни кўлдан бермадим:

— Қанийди, Давлат Думасидаги нойиблар ҳам шундай ўйлаганида...

— Сиз анови Жириновскийни айтаяпсизми?!

— Фақат Жириновский эмас...

— Ҳа! Агар мени кимлардандир ҳимоя қилиш керак



— Ҳалигидай, ўз одамларимиздан ҳар қанча ёмонлик кўрсак кўрдикки, аммо ерлик одамлар лоақаб «кўнгли учун бўлса ҳам» мушугимизни «пишт» дейишмаган. Биргина армон. Эсизки, бизга ғайридин деб қарашади-да.

— Бирон одам Сизни шундай деб турткиладими, опоқи? — сўрадим ундан.

— Йўқ.

— Бўлмаса, қаёқдан олдин-

огриганини изҳор этиб.

— Кўнглингиз оғримасин. Демокриманки, бизнинг Каломулломиз ўрис тилида ҳам босилиб чиққан. Бир неча марта. Академик Крачковский, Саблуков, Порохова ва бошқалар таржима қилишган.

Суҳбатдошим жуда қизиқиб қолди. Мен бу нашрлар шундоқ кўчанинг нариги юзидаги китоб дўконидида ҳам сотилаётганини айтдим. Олиб ўқишни, ана ундан кейин ўзи ҳамма гапдан воқиф бўлиб, бирон хулосага келиши мумкинлигини тайинладим. Профессор Валерия Порохова тўғрисида маълумот бериб, у Қуръонни ўқиб чиққач, ўрисчага ўтиргани ва комил эътиқод билан муслима бўлганини хабар қилувдим, кампиршо сўзларимни жон қулоғи билан тинглади. Шунча йиллар Ўзбекистонда яшаб, Ислом динидан мутлақо хабарсиз қолганидан кўп пушаймон бўлди. Насроний, яҳудо, буддо динларининг хайрихоҳлари нари турсин, иймонсиз даҳрийлар дастидан Қуръони Мажид муслмонларнинг нигоҳидан ҳам бекитиб келинганини эслатдим. Унга уқтирдимки,

Фарзанд — оила қувончи, бахти ва бебаҳо бойлигидир. Улар ҳаётимизнинг энг гўзал безакларидир. Дунёда фарзанди бўлишини истамаган одам йўқдир. Шу ўринда ота-онанинг бола олдидидаги бурчи, масъулиятини, уларни маънавий, моддий жиҳатдан кам этмай, ҳар томонлама хушсуват ҳолда тарбиялаб, воёга етказмоқлари масаласини ҳам унутмаслик керак.

Соғлом бўлмаган аёллардан нимжон болалар туғилади. Баъзи аёллар (улар жуда камчиликини ташкил этишса-да) йилига икки мартадан туғилгача бориб етдилар. Аччиқ натижа шу бўлдики: баъзи ўғил болалар бўйи паст, вазни кам бўлиб, ҳарбий хизмат даражасига нолайиқ деб топилдилар.

Бугунги кунда



эса оилани режалаштириш давлат ҳимоясига олинган бўлиб, у ҳар бир оила, энг биринчи навбатда аёллар соғлиги, оналик ва болалик манфаати учун хизмат қилишга йўналтирилган.

Оилани соғломлаштириш бола туғилишини бутунлай таъқиқлашди, деб тушунадиганлар қаттиқ янглишадилар. Бундан асосий мақсад ота-оналар ўз фарзандларини яхши парвариш ва тарбия қилишлари учун афзал қулайликлар яратишдир. Бунинг учун гинеколог-шифокорлар тавсия қилганларидек, ҳар уч йилда бир марта фарзанд кўриш мақсадга мувофиқдир.

Чунки туғиш мураккаб жараён бўлиб, аёл организмида ўзгаришлар юз бериши мумкин.

Уч йил ичида эса аёл туғиш чоғида йўқотган кучини қайтадан тиклайди. Иккинчидан, қақалоғини соғлом ўстиришга эришади. Қолаверса, уй-рўзғор ишларини ҳам ўз вақтида бажарганлиги сабабли қайнонасида

танбех эшитмайди, эри билан иноқ яшайди. Борди-ю, у ҳар йили туғса-чи? Аввало, ўзига зиён. Организми кучсизланиб, касалликка тез чалинувчан бўлиб қолади. Тановул қилган овқатидаги витаминлар на ўзига, на қорнидаги ҳомиласига етарли бўлади. Бу ёқда қўлидаги қақалоғи қийналади. Кўрибсизки, кеча-ю кундуз тиними йўқ. Қайнонанинг хизматини қилолмай, эрининг кўнглигига қаролмай дегандек, икки ўртада совуқчилик бошланиши ҳам ҳеч гап эмас.

Азиз опа-сингилларим. Танангизга бир ўйлаб кўринг: ҳар уч йилда бир туғиб, ўзингиз ҳам, болағиз ҳам яйраб-яшнаб ўсгани маъқулми ёки ҳар йили фарзанд кўриб, тинка-мадорингиз қуриб, устига-устак эрингизнинг топгани ҳеч бир нарсага етмай қийналганингиз яхшими? Эрингиз билан ҳам кенгашиб кўринг, ишончим комилки, у ҳеч қачон сизнинг ҳаётингизни хавф остига қолдириш тарафдори эмас.

Сезиб турибман, ораларингда фарзандни Оллоҳ беради, ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса

қилиғи бошқа, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Бунга жавобан шуни айтишим мумкинки, ислом дини ҳам соғлом болалар туғилиши тарафдоридир. Чунончи, замонавий Миср муфтиси Муҳаммад Саъид Тантави ўзининг қатор маърузаларида оилада болалар сони кўпайиб, уларни тарбия қилиш билан боғлиқ муаммолар юзга келса, ҳомиладорлик она ва ҳомила соғлигига зиён-заҳмат етказса, оиланинг моддий аҳволи кўп бола туғилишига имкон бермаса, ҳомиладорликка қарши ҳоҳлаган дори-дармон ишлатиш ҳамда у ёки бу воситани қўллаш мумкинлигини қайд этади. Яъни шариат қонунларига биноан ҳам ҳомиладорликдан вақтинча сақланишда дори-дармонлардан фойдаланиш инкор этилмайди.

Умуман, оилани соғломлаштириш оилавий масалаларни ҳар томонлама ҳал қилишга ёрдам беради, оналик ва болаликни мустаҳкамлайди. Энг муҳими, ҳомиладорликлар орасидаги даврда

мўътадил дам олишга муҳтож бўлган аёл соғлигини тўла тиклайди ва муҳофаза этади. Ана шундагина соғлом оилалар кўпайиб, улар нафақат ўзларининг, балки давлат ва жамият манфаатларини ҳам қониқтиришга ҳаракат қилади.

Сўзимни Ҳадисдан олинган куйидаги муборак калом ила мухтасар этмоқчиман: «Уйланинглр ва ўзларингиздан кўпайинглр. Мен қиёмат куниди ҳамма олдиди сизлар билан фахрланурмен». Бу ўринда ҳар жиҳатдан етук ва солиҳ фарзандларни кўпайтириш ҳақида гап бораётганлиги ҳеч биримизга сир эмас, албатта.

**Сайидмурод РАЗЗОҚОВ,**  
тиббиёт фанлари  
номзоди.



## СИЗ ХАМ ҲАМ ҲАМ КҮРИНГ

**У** қизалоғига кўғирчоқ совға қилди. Телевизорда реклама қилинадиган «Барбе» кўғирчоғидан. Бир шодасини. Ҳатто оилавий. Ана, адаси — шим кийдирилган, қадди расо. Ана, ойиси — либоси қоматиға сириб тикилган. Ана уларнинг қизалоғи — жажжигина, малласоч, юм-юмалоқ кўзчалари порлайди. Қизалоғига байрам бўлди, бугун. Қувона-қувона адасининг юз-кўзларидан ўпиб олди. Қизчасининг қувончидан кўнгли тоғдек кўтарилган отанинг бир чеккада уларни фаромуш кузатиб ўтирган ўғилчасига кўзи тушиб, юраги «шувв» этиб кетди.

— Кўғирчоқни қизлар ўйнайди, ўғлим. Сенга, албатта, ўйинчоқ тойчоқ олиб

— Ҳайинчоқлар кўп ва турли туман. Бироқ уларнинг аксарияти чет эллики. Бировнинг қурби етади, бировнинг... Кишини ўйлантирадиган томони шундаки, ўйинчоқлар бизнинг болаларимиз интилишига кўп ҳам мос келмайди, — фикрини баён этади Навоий вилояти болалар жамғармаси бўлимининг раиси Нозик Кўзиёва. — Истаймизки, ўйинчоқлар миллатимиз болаларини урф-одатларимиз руҳида тарбиялашга хизмат қилсин.

Тараққий этган мамлакатларда болалар ўйинчоғи фақат овуноқ деб қаралмайди. Балки, кичкинтойларни ана шу мамлакатларнинг келажакда ҳақиқий фуқаро сифатида улғайишида ўйинчоқлар асосий манбалардан биридир.

Дунёга машҳур «Диснейленд» болалар оромгоҳлари ҳақида эшитганимиз? Амери-

тирадиган соҳа билан шугулланишни афзал кўради. Бу уларнинг иши. Ҳеч ким уни қил, буни қил дея олмайди. Бироқ болалар ўйинчоғи билан савдо қилувчи мард тижоратчи топилармикин? Бундан 4-5 йил аввал вилоят маркази Навоий шаҳрида «Болалар дунёси» универмаги бўларди. Ҳар бир туман, шаҳар ва қишлоқларда болалар ўйинчоғи билан савдо қилувчи дўконлар мавжуд эди. Ҳозир уларни йўқ деса ҳам бўлади. Тилга олинган «Болалар дунёси» универмагини бир фирма сотиб олиб, уни аралаш моллар дўконига айлантириб юборди. Ажабланирлиси шундаки, вилоятдаги савдо ташкилотларининг биронтаси болалар ўйинчоғи савдоси юзасидан тайинли гап айтмади.

Болалик дунёси турфа хил ва ранго-ранг. Ҳаммамиз ҳам бола бўлганмиз. Болангизга ўйинчоқ олиб бериш истагида бозор айлансангиз, бир хил тус ва хилдаги тўппончалар ва автоматлар, филдиракли-филдираксиз автомашиналарни кўриб, ҳафсангиз пир бўлади. Болалик дунёсини обод қилувчи ўйинчоқлар кўп ва хўп бўлиши кимга боғлиқ? Балки бу са-

Савол  
ва жавоб

## АЛИМЕНТ Тўлаш қачон пайдо бўлган?

ОИЛА  
ЭИЛА

Навоий тумани Жалойир қишлоғида яшовчи Иродахон синглимиз таҳририятга ана шундай савол билан муурожаат қилган. Биз фалсафа фанлари номзоди, шариат, одат ва оиланикоҳ муносабатларининг ахлоқий ҳуқуқ қондалари бўйича зукко билимдон Санжар ЖАББОРОВдан бу саволни шарҳлаб беришни сўрадик.



ёши, жинси ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган. Шуниси ҳам муҳимки, нафақа ҳажми унга муҳтож шахсларнинг эҳтиёжини қаноатлантириши зарур, уч марта овқат, қишки ва ёзги кийим-кечак фасл ва жинсияга қараб (шу жумладан бо-

лаларга ҳам) таъминланиши шарт ҳисобланади. Шу билан бирга нафақа тўлашда аёл (хотин)нинг моддий аҳволи (бойлиги ёки камбағаллиги), ота-онаси билан яшайдими ёки яққа бева бўлиб яшайдими, ҳаммаси инобатга олинган. Нафақа ҳатто болани эмизиб ўстирган энагага ҳам тўланган. Агар эр нафақа тўлашдан бош тортса, қози уни чақириб, нафақа тўлашни мажбур қилади. Нафақадор аёл қози иштирокида ўз даъвосини талаб қилиб, шартини асослаб берса, қози унинг даъвосини ёқлаб ҳукм чиқаради, акс ҳолда нафақа тўлашни бекор қилади. Қози юридик масъулиятли шахс иштирокида даъвогарнинг барча талабларини бажо қилиши шарт ҳисобланади.

Нафақа олувчи шахсга ҳеч қандай тўсқинлик қилинмаган. Нафақани ўз вақтида тўлаш, уни ўз ихтиёрича сарфлаш шароити яратиб берилган. Бева она томонидан боласига, бобо ёки момонинг неварасига тўланадиган нафақа, диний эътиқодидан қатъий назар, шариатда кўрсатилган. Агар она вафот этса, болани боқиб, нафақани олиш ҳуқуқи унга қараб турган шахсга — момосига, холаси ёки аммасига ва бошқа боқувчи қариндошига юкланади. Бола 7 ёшгача она тарбиясида, онаси бўлмаса буви-сида бўлиб, нафақани ҳам уларга тўлаш зарур. Аммо тарбияга олган шахс руҳий касал, ахлоқий бузуқ, нопок бўлса нафақа олишдан маҳрум қилинган.

## ЎЙИНЧОҚҚА Тўймаган бола

бераман, — деди бироз ҳадик аралаш ота.

Болакай адасининг наватдаги бахоналаридан бири, деб ўйлади шекилли, индамай кўя қолди. Хархаша қилгандан нима фойда. Дўконларда ўйинчоқ тойчоқ топила қолса-ку, адаси, албатта, олиб беради. Ҳозирча кўнмай илоҳи йўқ.


Эртаси кунни яқшаба. Ота-бола шаҳарнинг энг катта савдо дўконларига бориб кўришди. Бозор айланмишди. Ўйинчоқ тойчоқ топилмади. Ота уйга қайтар экан, беихтиёр ўзининг болалиги ёдига тушди. Уларнинг оиласи катта, ака-укалар кўпчилик эди. Касалманд отасининг топган-тутгани рўзғор тебратишга зўрға етарди. Узи тенги болаларнинг турли хил ўйинчоқлари борлигига ҳавас қиларди. Чунанам ҳаваси келарди-ки... Қайсидир бир қариндошиникига меҳмондорчиликка борганларида қариндош тенгқурининг ўйинчоқ тойчоғидан роса ўйнаб мириққанини унута олмайди. Ўшанда у катта одам бўлиб қолса, албатта, ўйинчоқ тойчоқ олишни болалик кўнгли билан ният қилиб қўйган эди. Бу болаликдаги гаплар.

У энди оилалик. Ўйинчоқ ўйнайдиган ўғли, қизи бор. Болаларига хоҳлаган ўйинчоқни олиб беришга қурби етади. Қани ўша ўйинчоқлар?

ка Кўшма Штатларининг ҳар бир штатида ана шундай оромгоҳлардан камида 2-3таси бор. Буюк Британия, Франция, Германия ва бошқа давлатларда ҳам ана шундай оромгоҳлар болалар қувончига қувонч қўшмоқда. Кунчиқар мамлакат — Япония ўз тараққиётини болалар онгини гўдаклик чоғидаёқ шакллантириш билан ўлчайди. Уларнинг ана шундай оромгоҳларида ҳатто катта ёшдаги болалар ҳам кўнгли эрмакларидан баҳра олишлари мумкин. Ўйинчоқлар болаларни фақат фикрлашга ва янгилик яратишга ундашга мослаштирилган.

Келажакда буюк давлат қуришга аҳд қилган мамлакатимизда барча яхши нарсалар болаларга муҳайё этилмоқда. Яқин йиллар ичида бизнинг мамлакатимизда ҳам ана шундай эртақнамо оромгоҳлар ташкил этилиши аниқ. Пойтахтимиз марказида очилган «Болалар эртақ оромгоҳи» бу эзгуликнинг дебочаси эмасми?

Эзгу ишларни босқичма-босқич амалга ошириб бўлмайдимиз? Бўлади. Ҳозир бозор иқтисодиёти даври. Хоҳлаймизми-хоҳламаймизми, бозор болалар ўйинчоғи савдосига ўз ҳукмини ўтказмоқда. Тижоратчи болалар ўйинчоғидан кўра, кўпроқ фойда кел-



волларга республикамиздаги тегишли мутасадди ташкилотлар жавоб берар?

Парда ЖУМАЕВ.

## АМЛА ТИНГЛАБ ЎСАР БЕШИКЛАР

Кундуз — ёруғ, тунлар —

чароғон,

Зиё кочил — Кўёш, ой ила.

Ки, азалдан очил дастурхон

Ва муқаддас ҳар бир Оила.

Илк оила остонасида —

Бир удум бор ўқилгай никоҳ.

Ҳаёт — тошқин, ҳаёт — осуда,

Бу кўзгуда илоҳий никоҳ.

Не бахт, Чинор бўлмақлик.

учун —

Амла тинглаб ўсар бешиклар.

Соҳибини хоҳ кундуз, хоҳ тун —

Кучоқ очиб кутар эшиклар.

Тўр сийлайди кафтига олиб,

Меҳр билан Ҳизрваш чолни.

Ва қирқ қават кўрпача солиб,  
Фарзанд сухан айлайди болни.

Ардоқдаги чорсули момо —

Қариси бор уйнинг париси...

Дейсиз — Ойли, юлдузли само —

Оилада жамдир бариси...

Оила ҳам асли бир Ватан,

Шаён-шавқати ва шони бордир.

Ҳиёнатга йўл очсанг, зотан —

Мутлақ жазо — тўғони бордир.

Бундан ўзга таърифлар нечун,

У — сиз, у — мен — меҳрга ҳотам.

Ўзбекистон — Оила — очун,

Меҳримиздан гулласин Ватан!!

Абдулла ТУРДИЕВ.



# ПЛЁНКА... ТЕРМИЗДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

## БИРОҚ БУ ИШГА КИРИШГАН ТАДБИРКОРЛАР ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Геннадий Ефимовни Термизда кўпчилик танийди. У анча вақт биетт соҳасида ишлаб, ундабуронлиги билан мўндаги туғайли эл ўртасида турма-этибор қозонган. Замога зайли билан ишбилармонлик йўлига ўтди. Лекин Геннадий Петрович айриқларга ўхшаб у шаҳардан бу шаҳарга лашуш, резина сақич келтириб сотиш билан шуғулланмади, дўкан ҳам очмади, аксинча, ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этди. Икки йиллиқ, «Сурхонплатстик» Канада-Ирландия-Ўзбекистон қўшма корхонаси маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Булажак корхона фаолият бошлаши учун, энг аввало, кулай жой зарур эди. Бу масала осон ҳал бўлди. Термиз тумани таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонасининг айрим цехлари биноси бўшаб қолганди. Шу бинонинг бир қисми жарога олиниб, таъмирланди, корхонага мўлжаллаб мослаштирилди.

Анча маблағ эвазига четдан келтирилган ускуна ва дастгоҳларни эса москвалик мутахассислар ўрнатиб беришди. Айни чоғда улар маҳаллий йиғит-қизларга ҳунарни ўргатишди. Шу зайлда ишлар юришиб кетди.

Корхонада ҳозирча хаёқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланса бўладиган плёнка халтлар ишлаб чиқарилаётти. Унга эҳтиёж ҳам, харидор ҳам кўп. Утган йили 800 миңг дونا ёки 22 миллион сўмлик плёнка халтлари тайёрланиб, шартномага асосан, Шеробдаги «Хўжайкон» туз кони бошқармаси ва «Сурхонлардөн» маҳсулотлари» бирлашмасининг ишлаб чиқариш корхоналарига етказиб берилди.

Бу ерда 35 нафар маҳаллий йиғит-қиз ишламоқда. Улар фақат плёнка халтларнинг микдоригагина эмас, балки сифатига ҳам эътибор беришаётир. Биз сўхбат асосида шу насага гувоҳ бўлдикки, кўпчилик ишчилар айниқса, хотин-қизлар олаётган маошларидан ҳам кўра, уйлариининг ёнгинасида шундай ишхона қурилганидан, муҳими, ўзлари тайёрлаётган халтлар вилоятдаги ишлаб чиқариш корхоналарига заруриятдан хурсанд. Ўз ишдан мамун одамлар меҳнат қилаётган жойда эса ҳамиша иш унуми юқори, ютқ эса салмоқли бўлади.

Корхона маъмурияти мутахассислар билан кифо-ланмай, ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтириш, маҳсулот турлари ва иш ўринларини кўпайтириш йўлида тинмай изланмоқда. Жумладан, ақин орада цех-

ларда вилоят хўжалиқлари учун ута зарур бўлган ка-нон ип (шағарт) ишлаб чиқариши йўлга қўйиш чо-ралари кўриляпти. Бу бо-рада муайян таъриба ҳам тушланган: бутур бироз ка-нон ип тайёрланиб, айрим хўжалиқларда синовдан ўтказилди.

Бу йил Сурхон дарё ви-лояти хўжалиқларида анди-жонликларнинг чигитни плёнка остига экиш таъри-баси кенг жорий этилиши мўлжалланмоқда. Хўш, янги корхонада плёнка ишлаб чиқариш имконияти борми?

— Албатта, бор, — деди биз билан сўхбатда «Сурхон-платстик» қўшма корхонаси бош директорининг ўринбо-сари Валерий Владимирович Валиников. — Бу масала-ни ҳақиқатан бири-икки йил ичида тўла ҳал этиш мумкин. Плёнка ишлаб чи-қариш цехи учун алоҳида

бино ҳам ҳозирлаб қўйил-ган. Фақат хомашё зарур. Ҳозир биз плёнка халтлар тайёрлаш учун поленпропе-лин ишталаймиз. Плёнка ишлаб чиқариш учун эса по-лиэтилен керак.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мута-хассисларининг айтишича, бир гектар ерга 6-8 микро-н қалинлиқдаги плёнкадан 55 ки-лограмм сарфланади. Шартномага кўра, бундай маҳ-сулот Хитойдан келтириламиз. Бир килограммининг нархи ўртача 130 сўм. Демак,

гектар ҳисобига 7,2 миңг сўмлик плёнка ишлатилади. Жорий йилда мавжуд хў-жалиқларда 45 миңг гектар майдонга плёнка остига чи-ғит экиш режалаштирила-ётгани ҳисобга олinsa, 2500 тонна плёнка талаб этила-ди. Бу — 300 миллион сўм дегани. Афсуски, шунча маблағга келтириладиган плёнка ичкини мавсум-да иштатишнинн иложи йўқ. Кўриниб турибдики, плёнка уни зимизда тайёр-лаш чорасини ҳам кўрмо-ғимиз керак. Шундай қилинса, у арзонга тушади.

- 300 МИЛЛИОН СЎМ САРФЛАГАН АФЗАЛМИ ЁКИ...
- 800 МИҢГ ПЛЁНКА ХАЛТА СОТУВГА ЧИҚАРИЛДИ
- ХОМАШЁ МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛСА...

Шу маънода, плёнка ҳам четдан келтирилиши қараб турмасдан, во-ҳадагилар оёқларининг остидаги мавжуд имкони-ятдан фойдаланмоғи, янги корхона маъмури-ятига қўйла келган ёрда-ларини бермоқлари ке-рак. Плёнкани кенг ми-қёсда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун фақат корхона раҳбари Генна-дий Петровичнинг елиб-югуриши камил қилади.

**Усмонали НОРМАТОВ,**  
журналист.

## КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД ТАВАЛЛУДИНИНГ 545 ЙИЛЛИГИГА

Нафақат қадимий Шарқ, балки бутун дунё халқлари санъати тарихида сезиларли из қолдирган, унинг тараққиёти баракали ҳисса қўшган забардаст мусаввир Камоллидин Бехзод Мовароуннахр ва Ҳиротда XV асрдаги Ренессанс (Ҳиротнинг даври) вақилларидан бири бўлиб, ўз даврида «Шарқ Рафазли» номи билан танилган ва донг таратган.

Ота-онасидан жуда эрта ажралган Бехзод Ҳиротнинг машҳур мусаввири Амир Рухило (Мирок Наққош) тарбиясида бўлиб, Нигористон (санъат академиясида) наққошлик ва миниаторасозлик сир-асорларини ўрганди. Унинг машҳур бўлиб етишувининг асосий омилларидан яна бири буюк Алишер Навоий назарига тушгани ва хомийлигида бўлганидир.

Санъат ва нафосатининг кучли иштиёқи Бехзоднинг ўткир ақл-заковати, истеъдоди кундан-кун ортиб, подшоҳ Султон Ҳусайн Бойқаро унга ўз саройидан махсус жой ажратиб, ижодий иш билан шуғулланиши учун катта имконият яратиб берди. 1487 йилда эса Ҳиротдаги салтанат китобхонасига бошлиқ этиб тайинланди.

XV аср охирида Темурийлар салтанатида тожу-тоқ учун авж олиб борётган тинимсиз, ўзаро жанг-жадаллар туғайли емирилиш бошланди. Бехзоднинг Ҳиротдаги энг севинг-ли хомийлари Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро бирин-кетин оламдан ўтди.

Ҳирот тахтини Шайбонийхон эгаллади. Бехзод уч йилга яқин унинг қўли остида ишлади. У Шайбонийхон тасвири-ни ҳам айнан ўша йиллари чизган бўлиши керак.

1512 йилда Ҳирот Сафавийлар қаромонига ўтган, Шоҳ Исмоил Сафавий Ҳиротдаги қатор истеъдодли санъаткорларни салтанат пойтахти Табризга олиб кетди. Улар ичида Бехзод ва унинг кўлаб шогирдлари ҳам бор эди. Бу пайтга келиб Бехзод ва унинг Ҳиротдаги мусаввирлик мактаби доғри бутун Шарққа тарқалганди.

Мусаввир Табризда Ҳиротдан кейинги нафис тасвирий санъат (миниаторасозлик)нинг яна бир улкан мактабини яратди. Бу орода у кўп кўргилиқларга дучор бўлди.

Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Шоҳ Исмоил Сафавий ва Шоҳ Таҳмасп Сафавий ҳукмронлик қилган бағоят зиддиятли тўрт салтанатни кўрган, ўз даврининг, барча асос-уқубатларини бошдан кечирган, ижтимоий борлиқдан олган бой ва ранг-баранг таассуротларини, ички кечинмаларини, латиף ва назик кайфиятларни ўзининг ижода маҳорат билан тасвирлаган Бехзод 1537 йилда кексайиб қолган чоғида суюкли жиёни ва шогирди Рустам Алининг ўлим тўшагида ётангани эшитиб она шохри Ҳиротга ўтган эди. У етиб боргунча жиёни аламдан олган бўлди. Бундан қоттиқ қай-гурган Бехзод бетобланиб, тез кунда вафот этади. Уни ҳам шохар яқинидаги Кўхи Мухтор тоғи ёнбағрига, Рустам Алининг қабри ёнига дафн этадилар.

Ўзининг ажойиб ва қимматбаҳо мини-атура дурдоналари билан жоҳон маданияти тарихида ном қолдирган буюк ва забардаст мусаввир миниатора санъатида махсус мактаб — «Бехзод мактаби»ни яратиб кетди. «Унинг миниаторалари тиркил-гидеёқ мусулмон Шарқда ва Фарбада ва санъатнинг энг олий ютуғи деб тан олинган. Унинг бизчанда етиб келган асарлари тахминан ўттизта расмлар туркумидан иборат. Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафар-

барбир одам боласини гуноҳкор қилиш учун битта йўл қолган экан,— дебди ва болаларни имлаб қақриб шивирлабди: «Сизлар қандай қилиб бўлса-да, пўчоғини оёқ остига ташла-тишга эришинг, ана шунда одамларни гуноҳи азимга ботирамиз».

**Ш. ОЛИМОВ**  
(ЎзА) олган сурат.

## ГРАНТЛАРДАН СОЛИҚ ОЛИНМАЙДИ

Яқинда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси халқаро ва хорижий ташкилотлар ҳамда жамғармаларнинг грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиҳаларини, халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорнинг амалга оширилиши республикамиз олимлари бажарётган илмий-тадқиқотларни кенгайтириш, умуман мамлакатимиз илмий-техникавий салоҳиятини ошириш учун катта аҳамиятга эга бўлади. Хукуматнинг янги қарори бу соҳа ходимларига қандай имкониятлар бериши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари АЛИ ОХУНОВ ҳикоя қилади:

Вазирлар Маҳкамасининг халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида Республика Президенти Ислам Каримов имзоси билан қарор қабул қилиши мамлакатимиз илм-фанни янада юксалтиришга катта эътибор беришнинг натижасидир.

Бу ҳужжатнинг моҳияти шундан иборатки, эндиликда халқаро ва хорижий ташкилотлар ҳамда жамғармалардан, шунингдек, илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасида тузилган халқаро тизимлар доирасида олинган грантлар микдори солиқ солиш мақсадли жиёмоний шахсларнинг йиллик ялли даромадига киритилмайди. Бундан ташқари, 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб республикамизда халқаро ва хорижий ташкилотлар ҳамда жамғармаларнинг грантлари бўйича, илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги халқаро битимлар бўйича республикамизда бажарилаётган илмий-техникавий, инновация дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш чоғида етказиб берилаётган асос-уқубатлар билан ҳамда раис солиғидан осод қилинади. Айни пайтда бундай солиқлардан осод қилишга руҳсатнома асос-уқубатларнинг, шунингдек, ишлар мавзусининг тўғри ажратилган мақсад ва вазифаларга мослиги тўғрисидаги махсус ҳулоса асосида берилади. Бундай ҳужжатларни расмийлаштириш билан ҳозир Фан ва техника давлат қўмитаси ҳузурда тармоқлар бўйича республиканинг етказиб олинувчи ва мутахассислардан тўғридан тўғрида экспертилар турухи шуғулланади.

Хукумат қарори грантлар ва халқаро битимлар бўйича иш олиб бораётган илмий мутахассисларнинг моддий-техникавий баёлигини мустақамлаш учун кенг имкониятлар яратди. Қарорнинг амалга оширилиши лойиҳаларнинг унинг ҳамда уларнинг беёлиги ажроқларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга кўмаклашади. Буларнинг баччаси тадқиқотлар самардорлигини шундан иборатки, эндиликда халқаро ҳамкорлик учун янада кулай шароит яратлади. Чунончи, Европа Иттифоқи Комиссияси XII бош директорати (фан, тадқиқот ва тараққиёт) директори Райнер Геральд яқинда мамлакатимизда бўлди. У республикамиздаги бир қанча илмий илмий мутасассаларни, олий ўқув юртларини бориб кўрди, уларда ўтказилаётган тадқиқотларнинг истиқболли бўлибгина қолмай, шу билан бирга юксак самардор эканлини ҳам ўз кўзи билан кўрди. Р.Геральд Ўзбекистоннинг илмий-техникавий салоҳияти анча ўзгариши таяққиллади. Дарвоқе, икки йилдан буён олимларимиз Европа Иттифоқининг МДҲ ва Европа Иттифоқи мамлакатларида илмий тадқиқотларнинг қўллаб-қувватлаш учун тузилган халқаро жамғармалар — ИНТАС ва ИНКО-КОПЕРНИКУСдан грант олишга даъвогарларни танлашда иштирок этиш учун Бельгияга тақдир этилаётгани ҳам бунан тасдиқлаб турибди.

Европа Иттифоқи ваки-лининг ташрифи яқини сифатида Фан ва техника дав-лат қўмитаси билан ИНТАС ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Бу шартнома энг муҳим лойиҳаларни ривожлантириш, халқаро дастурлар бўйича хорижий касбдошлар билан биргаликда тадқиқот-лар ўтказиш учун грантлар ажратишни қўллаб қўйди.

Ҳозирги пайтда амалга оширилаётган бундай ўзаро фойдали ишлар кўп. Уларда Ўзбекистон академияси фани, тармоқ, олий ўқув юртлари фанлари вакиллари иштирок этмоқда. Эндиликда ҳамкор-лигимиз янада самарали бўлади. Республика ҳукумати-нининг Ватанимиз фанини ривожлантиришга қаратил-ган янги қарори илмий лой-иҳаларини халқаро танлов-лари қилиб берилади ва илмий-техникавий баёлигини мустақамлаш учун кенг имкониятлар яратди. Қарорнинг амалга оширилиши лойиҳаларнинг унинг ҳамда уларнинг беёлиги ажроқларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга кўмаклашади. Буларнинг баччаси тад-

қарор қабул қилиши мамлакатимиз илм-фанни янада юксалтиришга катта эътибор беришнинг натижасидир.

Ҳукуматнинг янги қарори бу соҳа ходимларига қандай имкониятлар бериши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари АЛИ ОХУНОВ ҳикоя қилади:

**А. ИВАНОВА** ёзиб олди.

## ДЕҲҚОНЧИЛИК

Кейинги йилларда Хоразм қовунчи-лигининг илгариги доврети аста-секин сўна бовушти. Хоразм қовун-ларининг уруғлари эса йил сайин айниб бораёпти. Энг ачинарли томони шундаки, Хоразм қовун-ларининг баъзи ноёб турлари йўқолиб бормоқ-да. Ҳозир бозорлардан жийда апроқ, шакарпора, оқ новот, нонигушт, олаҳамма сингари тили-ми тилини ёрайдиган қовун турлари йўқолиш арафа-сида. Хива бешаги бошқа қовунлар билан чаги-шиб, уруғи айниб кетди.

«Қовун қовундан ранг олади», деган нақл бор халқимизда. Ер танқис бўлганлиги сабабли бу қовун турлари алоҳида далаларга экинмай, аралаш экинганлиги сабабли шундай бўлмоқ-да. Ахир, ўтмишда Хоразм қовунларининг доврети етти иқлимга маълуҳ ва машҳур бўлган-куй!»

Араб сайёҳи Ибн Батута (XIV аср) шундай

деди: «Мағрибу Машриқда Хоразм қовунларига тенг келадигани йўқ... Мен Хиндистонда яшаганимда (у Ҳинди султони Муҳам-мад Туғлик саройида) қозилиқ қилган — ША.) Хоразмдан келган қарвон-

дан қовун қоқини сотиб олдирар эким». Ҳозир ҳам Хоразм қовунлари мазани ва ҳар хил витамини микро-элементларга бойлиги билан республикада ажра-либ туради.

Кийинги жаннатий ҳузур бағишлайдиган бу неъмат-тоним инсон учун фойдали тонимлари ҳақида таърих-маса ҳам бўлади. Унинг шакардан ширин мағзи тўғридан-тўғри танавул қилинса, уруғи ва пўчоғи парранда ва чорвага емил-ш бўлади. Бу ўринда отамдан эшитган бир ривоят эсимта тушиди.

## ХОРАЗМ ҚОВУНЛАРИ

Оллоҳ Одам Ато ва Момо Ҳавога итреб қилиб, жаннатдан ерга туширибди, аммо сўнгра раҳми келиб уларга жаннат мевалари уруғларини, шу жумладан, қовун уруғини юборибди. Ҳамиша бани одамни

йўлдан уришга аҳд қилган шайтонга унинг болалари бу воқеани етказибди. Шайтон ўз болаларидан бу неъматининг хосянтлари қанақа деб сўраганида шайтонбаччалар бири олиб, бири қўйиб чуддира-ша бошлашди: «Удар қовунининг мағзини ейиш-да. Уруғини товуқлар бери-диладар!» «Хўш, хўш, пўстини-чи?» деб сўрабди ота Шайтон. «Пўчоғини гоҳ чорвага бериладар, баъзи-лари ташлаб юборишда» — дебди шайтонбаччалар.

«Ҳа, ҳа...» — дебди ота Шайтон севиниб, — бўлди,

Болалигимизда қовунга роса тўйиб, пўчоқларини дуч келган жойга ташлаб кетсақ, отамиз: «Ҳа қазб-лар, сизларга нима деган эмиз, дарҳол йиғиштириб, молларнинг олдига таш-ланглар», — деб койибди. Лекин у дамларда қовун уруғи товуққа бериламасди. Йил давомида қовун, қовоқ, кунгабоқар уруғла-рини йиғиб борадик-да, кунда жувозга олиб борар-дик, жувозчи ҳаммасини жувозга солиб юборарди, сўнгра мойкадиларимизни тўлдириб беради. Киши билан истеъмол қилардик, бу ёгдай табийи тоза ёг

барбир одам боласини гуноҳкор қилиш учун битта йўл қолган экан,— дебди ва болаларни имлаб қақриб шивирлабди: «Сизлар қандай қилиб бўлса-да, пўчоғини оёқ остига ташла-тишга эришинг, ана шунда одамларни гуноҳи азимга ботирамиз».

Болалигимизда қовунга роса тўйиб, пўчоқларини дуч келган жойга ташлаб кетсақ, отамиз: «Ҳа қазб-лар, сизларга нима деган эмиз, дарҳол йиғиштириб, молларнинг олдига таш-ланглар», — деб койибди. Лекин у дамларда қовун уруғи товуққа бериламасди. Йил давомида қовун, қовоқ, кунгабоқар уруғла-рини йиғиб борадик-да, кунда жувозга олиб борар-дик, жувозчи ҳаммасини жувозга солиб юборарди, сўнгра мойкадиларимизни тўлдириб беради. Киши билан истеъмол қилардик, бу ёгдай табийи тоза ёг

## ХУШ ҲАБАР

**ҚИЗАЛОҚЛАР БАҲТ КЕЛТИРСИН**

Учкудук тумани-даги «Мингбулоқ» хиссадорлик жамия-ти аъзоси, марказий автопарк хайдовчи-си Кузембоёллар хондонни бир йўла уч қизалоққа кў-пайди.

Қизалоқларга Бахт, Ирис (яъни Риаз) ва Насиба деб ном қўйилди. Туман ҳокимини ангакалар саломатлигини назорат ос-тига олади.

Учкудук шаҳри ва ту-мани ҳокими Ахтам Эр-ғашев ва зиссадорлик жа-мийти раиси Моллабек Аб-дукаримов онаани янги «меҳмонлар» билан бутла-гани совға-саломлар қил-ди боришди. Ҳокимлик Наврўз байрами куну ушбу она учун Учкудук ша-ҳрида янги қурилган уйлари-дан квартира ажратил-ган қарор қилди. Хиссадорлик жамияти уч қизга атаб уч бош кўй совға қилди.

**Ш. АВАЗОВ,**  
Ургач шаҳри.

**П. ЖУМАЕВ,**



НАВОВИЙ НАВАРИ ТУШГАН МУСАВВИР

Това-анасидан жуда эрта ажралган Бехзод Ҳиротнинг машҳур мусаввири Амир Рухило (Мирок Наққош) тарбиясида бўлиб, Нигористон (санъат академиясида) наққошлик ва миниаторасозлик сир-асорларини ўрганди. Унинг машҳур бўлиб етишувининг асосий омилларидан яна бири буюк Алишер Навоий назарига тушгани ва хомийлигида бўлганидир.

Санъат ва нафосатининг кучли иштиёқи Бехзоднинг ўткир ақл-заковати, истеъдоди кундан-кун ортиб, подшоҳ Султон Ҳусайн Бойқаро унга ўз саройидан махсус жой ажратиб, ижодий иш билан шуғулланиши учун катта имконият яратиб берди. 1487 йилда эса Ҳиротдаги салтанат китобхонасига бошлиқ этиб тайинланди.

XV аср охирида Темурийлар салтанатида тожу-тоқ учун авж олиб борётган тинимсиз, ўзаро жанг-жадаллар туғайли емирилиш бошланди. Бехзоднинг Ҳиротдаги энг севинг-ли хомийлари Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро бирин-кетин оламдан ўтди.

Ҳирот тахтини Шайбонийхон эгаллади. Бехзод уч йилга яқин унинг қўли остида ишлади. У Шайбонийхон тасвири-ни ҳам айнан ўша йиллари чизган бўлиши керак.

1512 йилда Ҳирот Сафавийлар қаромонига ўтган, Шоҳ Исмоил Сафавий Ҳиротдаги қатор истеъдодли санъаткорларни салтанат пойтахти Табризга олиб кетди. Улар ичида Бехзод ва унинг кўлаб шогирдлари ҳам бор эди. Бу пайтга келиб Бехзод ва унинг Ҳиротдаги мусаввирлик мактаби доғри бутун Шарққа тарқалганди.

Мусаввир Табризда Ҳиротдан кейинги нафис тасвирий санъат (миниаторасозлик)нинг яна бир улкан мактабини яратди. Бу орода у кўп кўргилиқларга дучор бўлди.

Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Шоҳ Исмоил Сафавий ва Шоҳ Таҳмасп Сафавий ҳукмронлик қилган бағоят зиддиятли тўрт салтанатни кўрган, ўз даврининг, барча асос-уқубатларини бошдан кечирган, ижтимоий борлиқдан олган бой ва ранг-баранг таассуротларини, ички кечинмаларини, латиף ва назик кайфиятларни ўзининг ижода маҳорат билан тасвирлаган Бехзод 1537 йилда кексайиб қолган чоғида суюкли жиёни ва шогирди Рустам Алининг ўлим тўшагида ётангани эшитиб она шохри Ҳиротга ўтган эди. У етиб боргунча жиёни аламдан олган бўлди. Бундан қоттиқ қай-гурган Бехзод бетобланиб, тез кунда вафот этади. Уни ҳам шохар яқинидаги Кўхи Мухтор тоғи ёнбағрига, Рустам Алининг қабри ёнига дафн этадилар.

Ўзининг ажойиб ва қимматбаҳо мини-атура дурдоналари билан жоҳон маданияти тарихида ном қолдирган буюк ва забардаст мусаввир миниатора санъатида махсус мактаб — «Бехзод мактаби»ни яратиб кетди. «Унинг миниаторалари тиркил-гидеёқ мусулмон Шарқда ва Фарбада ва санъатнинг энг олий ютуғи деб тан олинган. Унинг бизчанда етиб келган асарлари тахминан ўттизта расмлар туркумидан иборат. Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафар-

**Мухтор АБДУРАШИДОВ,**  
Тошкент иқтисодиёт университети ўқитувчиси.

**Гулҷеҳра ЙҮЛДОШЕВА.**

# «ЯДРО ҚУРОЛЛАРИНИ ТАРҚАТМАСЛИКНИНГ МИНТАҚАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ГЛОБАЛ ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАМОҚДА»

МАГАТЭ Бош директори Муҳаммад ал-Барадай «Жаҳон» ахборот агентлиги саволларига жавоб берди

**БМТ Бош Ассамблеясининг 52- сессияси ўтган йилнинг охирида қабул қилган махсус резолюцияси Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш бўйича ташаббуслари ҳаётга татбиқ этилишининг янги босқичи бошланганини билдирди. БМТнинг бу ҳужжати дунёнинг барча мамлакатларини Марказий Осиё ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақирди, унда ҳалқаро ҳамжамиятни минтақадаги давлатларга янги ядро қуролидан холи ҳудуд (ЯҚХХ) яратиш тўғрисидаги шартноманинг шакли ва услубларини ишлаб чиқишда ёрдам беришга чақирувчи мурожаат ўрин олган.**

Бизнинг минтақамизда ядро хавфсизлиги ҳудуди яратиш гоёсини биринчилар қаторида қўллаган халқаро ташкилотлар орасида сўзсиз 120 давлатни бирлаштирган МАГАТЭ — Атом энергияси бўйича халқаро агентлики тилга олиш керак. Ўзбекистон 1994 йилнинг январидан ушбу ташкилот аъзоси ҳисобланади ва ушундан буён МАГАТЭ билан ҳамкорлик ривожланмоқда.

БМТ ҳомиюлигида фаолият кўрсатувчи мажбурий қаторида ташкилотнинг Ниёми унинг икки асосий мақсадини аниқлаб беради. Булар «бутун дунёда тиңчилик, саломатлик ва фаровонликни сақлашда атом энергиясидан тезроқ ва кенгроқ фойдаланишга эришиш»да ҳамжиҳатлик кўрсатиш ҳамда агентлик томонидан қўриқилган ёки унинг талаби билан ёхуд унинг текшируви ва назорати остида қилинган ёрдамнинг «бирон бир ҳарбий мақсаднинг амалга оширилиши учун фойдаланиш»ни англатиши.

Атом энергиясидан тиңчилик мақсадида фойдаланишда ҳамжиҳатлик қилиш ва ундан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслигини назорат этиш вазифалари агентлиkning амалий фаолияти билан узлуксиз боғлиқ.

Агентлик Ниёми, шунингдек, ядровий қуролларни тарқатмаслик шартномаси ва шу соҳадаги баъзи бошқа битимлар бўйича назорат вазифаларини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратди. Бугунги кунда ЯҚХХ яратиш тўғрисидаги мажбурий шартномалар қондаларига риоя этишининг назорати юзасидан қўллашни

назарда тутди.

1997 йил ташкилот тарихида икки муҳим воқеа содир бўлди. Июль ойида агентлик ўзининг қирқ йиллигини нишонлади. Декабрда эса МАГАТЭнинг кўп йиллик директори Ханс Бликке ўрнини Муҳаммад ал-Барадай эгаллади.

Қоҳира университетини битирган М. ал-Барадай ўз дипломатик фаолиятини 1964 йилда Миср Ташқи ишлар вазирлигида бошлади. Бир неча йил лавозимда ўз мамлакатининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидagi доимий ваколатхонасида ишлади, кейинроқ БМТнинг Женевалиги бўлимида Мисрнинг вакили бўлди. Илмий иш билан ҳам шуғулланган, Нью-Йорк университетининг ҳуқуқ факультети доктори. 1984 йилдан буён МАГАТЭда: агентлик бош директорининг БМТдаги вакили, бўлим, департамент раҳбари, сўнгги йилларда МАГАТЭ бош директорининг ташқи алоқалар бўйича мовини бўлиб ишлаган.

Жаноб ал-Барадай «Жаҳон» ахборот агентлиги саволларига жавоб беришга лўфтан розилик билдирди. Таъкидлаш жоизки, бу унинг янги лавозимида журналистлар билан бўлган дастлабки суҳбатидир. Шу тўғрисида бизнинг МАГАТЭ қарорхонада бўлиб ўтган суҳбатимиз доктор ал-Барадайнинг юқори лавозимга сайлангани билан таъриқлаш ҳамда қийин ва сермасъул ишда муваффақиятлар тилашдан бошланди.

— Жаноб ал-Барадай, МАГАТЭда Марказий Осиё давлатларининг глобал хавфсизлигини мустаҳқамлаш маъносида ядро қуролидан холи, янги ҳудуд яратиш

ташаббуслари қандай баҳоламоқда?

— Бугунги кунда ядро қуролини тарқатмасликни назорат этиш дунё ҳамжамияти олдига турган энг устувор вазифалардан ҳисобланади. Ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги янги Шартнома билан бир қаторда ядро қуролини тарқатмасликни назорат қилишнинг муҳим омил ҳисобланади. Бундай минтақавий ҳудудлар сайёрамизнинг турли жойларида тиңчилик ва хавфсизлигини мустаҳқамловчи восита сифатида яратилган.

Ядро қуролидан холи биринчи ҳудуд Лотин Америкасида, Тлателолко номи билан машҳур битим имзоланганидан сўнг ташкил этилган. Сўнгра Тинч океанининг жанубий қисми ва Африка қитъасида ЯҚХХ яратиш тўғрисидаги Раротона ва Пелинда шартномалари пайдо бўлди. Бангкок шартномасининг имзоланиши билан бундай ҳудуд Жанубий-Шарқий Осиёда ҳам яратилди.

Маъжур ҳудудлар минтақалар хавфсизлигини мустаҳқамлашга қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш мuddати кўриб чиқиш ва узайтириш бўйича ўтказилган 1995 йилги анжуманда бундай ҳудудлар тушунчасига хавфсизлигини мустаҳқамлашнинг қўшимча чораси сифатида қаралди, унда дунё мамлакатларида устувор тартибда янги хавфсизлиги ҳудуди яратиш бўйича ишни давом эттиришга чақирувчи мурожаат қабул қилинди.

Шундай қилиб, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш гоёсини глобал ва минтақавий хавфсизлигини мустаҳқамлаш чораси деб қараш керак бўлади.

— Минтақанинг ўзига хо ҳусусиятларини инобатга олаётган (улкан уран хом ашёси ва уни қазиб олиш, бунга со технология ва мутахассисларнинг борлиги, ядро қуролига эга бўлган ва эга бўлиш арасида турган давлатлар билан ўзичилик) бўлажак ядро қуролидан холи зонадаги тартибни афзал-ликларни тўғрисида сизнинг фикрингиз?

— Хар бир минтақа ўзига хо ҳусусиятларга эга. МАГАТЭ иштирок этувчи давлатлар томонидан қабул қилинган ядро қуро-

лидан холи зоналар барпо этиш тўғрисидаги битимга шартлар киритишни мақсад қилмаган, бу масалани мамлакатларнинг ўзлари ҳал этишлари керак.

Умуман айтганда, хавфсизлигини мустаҳқамлаш ЯҚХХнинг мақсади ва бунга эришишнинг бир қанча усуллари бор. Минтақа давлатлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий мажбуриятлар ахдлашуви давлатларнинг ўзлари ва МАГАТЭ каби глобал халқаро ташкилот томонидан, шунингдек, юқоридагилар ҳамкорлигида верификация (назорат ва амалга оширишни) муайян тизими) қилинади. Шунингдек, иштинки иштинки, мамлакатлар ўртасидаги фаол ҳамкорлик хавфсизлигини ва узаро ишончини мустаҳқамлашнинг муҳим томонидир.

Агарда ҳозиргача барпо этилган ядро қуролидан холи зоналарга бир назар соладиган бўлсак, турли мамлакатлар турлича мажбуриятлари зиммаларига олганлар, Тлателолко шартномаси асосан ядро қуролини ишлаб чиқаришни таъқиқлашга қаратилган. Раротонага битими ядро қуролини ишлаб чиқаришни таъқиқлаш билан бирга, ядро чиқиндиларини денгиз тубига қўйишга қарши. Пелиндаба битими эса юқоридаги мажбуриятлардан ташқари ядро компонентлари сақланаётган жойларга ҳарбий ҳужумни, ядро материаллари ва қурilmаларининг физик ҳимояси верификациясини МАГАТЭ ва бунинг учун махсус тизилган ҳайвот воситачилигида келишиб олишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Шу тарзда қатор мажбуриятлар мажмуи, уларнинг қабул қилиниши айрим минтақа мамлакатлари томонидан белгиланган хавфсизлик концепциясига боғлиқ; улар ядро қуролини ишлаб чиқаришни таъқиқлаш билан чекланиш ва ўз ўрнида бошқа жиҳатларни ўз ичига олган ҳолда уларни кенгайтириши мумкин. Бу эса, яна бир бор айтганда, хавфсизлик масалаларининг муайян муаммоларига ва ҳозирги вазиятга боғлиқдир.

— Ядро қуролидан холи янги ҳудудларнинг барпо этилишида ва мавжуд ЯҚХХларда урғунлигида МАГАТЭнинг роли қандай?

— Верификация, назорат — хар қандай ядро

қуролидан холи ҳудуднинг муҳим компонентидир: ахдлашувчи томонлар олинган мажбуриятларнинг бажарилишига кафолат истадилар. МАГАТЭда тўпланган тажриба ушбу жараённинг муҳимлигини даъволат бериб турибди. Агентлик ЯҚХХларнинг барпо этилишида бевосита қатнашолмайди, бундай масалаларни томонларнинг ўзлари ҳал этишлари керак. Бироқ биз томонлар олган мажбуриятларга со му турли шаклдаги маҳабатлар, техник ёрдам кўрсатишимиз мумкин.

ЯҚХХ барпо этилиши тўғрисидаги битим имзоланганидан кейин МАГАТЭ олинган мажбуриятларни верификация қилишга қўмақлашиши мумкин. Тажриба шунинг кўрсатадики, мавжуд зоналар барпо этилгандан кейин агентликка иштирок этувчи давлатлар томонидан шундай аризалар тушади. Верификация агентликка боғлиқ бўлмаган ҳолда, шартнома иштирокчилари ўртасида ва уларнинг ҳамкорлигида амалга оширилади.

Верификациянинг турли шакллари томонларнинг ўзлари кўриб чиқдилар ва келишиб оладилар. МАГАТЭ ядро қуролидан холи янги ҳудудлар барпо этиш борасидаги музокаралар жараёнида верификация вариантларини танлашда қўмақлашиши мумкин.

— Айтишди, бугунги кунда, ядро қуроли ва унинг компонентларининг тарқалиб кетишига қарши кураш — келажак XXI асда инсониятнинг осойишта ҳаёти тўғрисидаги хавфсиз дунё яратишнинг асосий шартларидан биридир. Жаноб ал-Барадай, бир лаҳза ишониб бўлмайдиган нарсани фарз қилидик: МАГАТЭнинг фаолияти тўхтаганда, агентлик ўзининг назорат қилиш ва тартибга солиш имкониятларини йўқотганми...

Самарали верификация тизимисиз ядро энергиясидан тиңчилик мақсадларида фойдаланиш жараёнини фарз қилишим қийин. Чунки верификация бундай тартибда ишлангани асосий омил ҳисобланади. Бу узаро ишонч ўрнатилиши тизимининг зарур заминидир.

Фақат қимларнингидир томонидан ядро энергияси ва ядро дастурининг ҳарбий мақсадларда ишлатилиши каби ишонсизлик муҳитининг ҳукмронлиги бу ерда муқоиб бўлиши мумкин. Шунинг учун МАГАТЭ томонидан амалга оширилаётган верификациянинг глобал режими ядро қуролидан холи ҳудудлар доирасида минтақавий механизмлар ёрдамида назоратни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳқамлаш учун муҳимдир.

Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА махсус мухбири. Вена—Тошкент.

## 9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топан кун

# БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Яқинда буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудига 557 йил тўлади. Беш асри, бу улуг сиймо ўзининг барҳаёт ижоди билан адабиёт ва санъат, бутун маданиятимиз тараққиётига баракали таъсир кўрсатиб келмоқда.

Хар галликке бу йил ҳам мамлакатимизда шоир таваллуди кунини кенг нишонланади. Жумладан, республика Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти «Навоий асарлари поэтикаси» деб номланган илмий мақолалар тўпламини тайёрлади. Адиб асарлари тўла тўпламининг 13-жилди нашр этилди. Шоир туғилган кун — 9 февралда бу ерда Навоий адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий анжуман бўлиб ўтади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда ташкил этилган навоийшунос олимларнинг шоирнинг серқирра ижоди ва фаолиятига бағишланган маърузалари тингланади.

Пойтахтнинг шоирлар хибонадаги Алишер Навоий ҳайкали пойида анъанавий навоийхонлик ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси давлат кутубхонасида шоирнинг турли йилларда нашр этилган асарлари кўргазмаси очилади. Олий ва ўрта-махсус ўқув юрталарида, мактаблар, лицейларда ва бошқа маърифат масканларида адабий кечалар, адиблар билан учрашувлар бўлиб ўтади. Алишер Навоий номи билан аталувчи давлат академик катта театрида санъат усталарининг концерти намойиш этилади.

Б.МАНСУРОВ, ЎЗА мухбири.

## ШАХМАТЧИЛАР ОИЛАСИ

Мамлакатимизда таниқли сулолалар ҳақида гап кетганда, кўпчиликда ҳавас уйғонади. Самарқандлик Шаҳоб Ҳамроқулов оиласи ҳам шулар жумласидандир. Бу оила аъзолари спортнинг қадимий тури — шахмат бўйича ўтган халқаро мусобақаларда эришган ютуқлари билан юртимиз спорти доирасига доврқ қўшмоқда.

Ўтган йил нихосида оиланинг кенжа фарзандлари — Иброҳим ва Жўрабек халқаро шахмат мусобақаларида мутахассисларнинг эътиборини ўзига жалб этди. Иброҳим Бомбеда ўтказилган Осиё биринчилигида, тўққиз яшар Жўрабек эса Франциянинг Канн шаҳрида уюштирилган ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида маҳорат кўрсатди. Уларнинг опалари — Мавжуда, Ирода, Шаҳноза эса мамлакатимизда кучли шахматчилар саналади. Уларнинг хар бири бир неча бор хотин-қизлар ўртасида республика чемпиони деган юксак номни қўлга киритган, халқаро турнирларда фахрли ўринларни эгаллаган.

Дарвоқе, Шаҳоб Ҳамроқулов ҳам спортнинг бу турига меҳр қўйган. Мана 25 йилдирки, Самарқанд вилояти халқ таълим бoшқармаси қoшидаги шахмат-шақка мактабда мураббийлик қилмоқда. 1997 йил — инсон манфаатлари Йили Шаҳоб аканинг ҳаётида унутулмас из қолдири. Президентимиз Фармони билан унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббий»си фахрий унвони берилди.

Ҳамза ШУКУРОВ, ЎЗА мухбири.

## ДУНЁ ДАРАКЛАРИ



Калькутта шаҳри Ҳиндистоннинг энг қадимий, энг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан биридир. Шаҳарнинг кўҳна ва маҳобатли обидаларидан олис ўтмишни илҳомлаш бугунги топасиз, бугуннинг замонавий қасрларидан мозий садолари янграб туради. Одамларда эса Шарқ кишиларининг жамикки фазилатлари бисёр.



СУРАТЛАРДА: Калькутта кўчаларидан лавҳалар. А. ТУРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

## Факт ва шарҳ ЯНГИ АСРГА ДАЪВАТ

Йигирманчи юз йиллиқнинг тугашига 700 кун қолган айни пайтда, нафас ростлашга вақт йўқ. деди АҚШ Президенти Конгрессда мамлакатдаги ахвол ҳақидаги қилган йиллик маърузасида. Билл Клинтоннинг ушбу маърузаси нафакат Америкада, балки бутун дунёда катта кизиқиш уйғотмоқда.

Бунинг бир қатор сабаблари мавжуд. Конгрессда қилган маърузасидан сўнг «Ньюсуик» ҳафталиги ўтказган жамоатчилик фикри сўровида америкаликларнинг 70 фоизи Билл Клинтоннинг Президентлик фаолиятини қўллаб-қувватлашларини маълум қилишган. Хўш, Президент рейтингти ва йиллик анъанавий маъруза ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд? Аввало маърузада АҚШнинг бугунги ижтимоий ахвали ҳаққоний ақ этган. Президент бошчилигидаги ҳукумат иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эришган муваффақиятларни оддий америкаликлар ўз турмушларида реал қўриб, ҳис этишди. Зеро, АҚШ фуқаролари сўз ва иш бирлигини яхши кўришади. Шу боис америкаликлар Президент фаолиятига юқори баҳо беришди. Ҳақиқатдан ҳам 14 миллион янги ишчи ўринлари яратилиб, ишчилар сони кейинги йигирма тўрт йил ичида анча камайди. Камбағаллиги учун нафақа олаётганлар ҳам кескин камайган. Кейинги 30 йил ичида инфляциянинг энг паст даражаси қайд этилди. Одамларнинг даромадлари ўсиб бормоқда. Америкаликлар буларнинг барчаси Президентнинг оқилона фаолияти самараси, деб баҳолашмоқда.

Мен Президентлик фаолиятини бошлаган пайтда 1998 йилги федерал бюджет камомати 357 миллиард долларни ташкил этиши ва бу кўрсаткич янада ортиши кутулаётган эди. Бу йил бюджет камомати камийиб, бор-йўғи 10 миллиард долларни ташкил қилиши кутулаётган. 1999 йил Конгресс ташаббуси сўнгги 30 йил ичида

Реклама ва Эълонлар 136-09-25

АПАЛЬГИН АНАЛЬГИН -500 мг

анальгини олдирувчи ВОСИТО

Шаҳар дорихоналаридан сўраг

ТАШКИЛОТ ЯНГИ ТРАКТОРЛАР СОТАДИ 3 ДОНА- ХТ28Х4МА2 ЗАВОД НАРХИДА. ПУЛ ТўЛАШ УСЛУБИ — КЕЛИШИЛГАН ҲОЛДА. Тел.: 63-74-10 (9.00-16.00), 65-38-76, 42-28-33 (кечқурун).

## БМТнинг МУРОЖААТИ

Олимпиада ўйинлари олдидан дунёда тиңчиликни сақлаш ҳақида махсус қарор қабул қилиш БМТнинг хайрли ва анъанавий одатига айланиб бормоқда. Япониянинг Нагано шаҳрида бошланаётган қишқи олимпиада ўйинлари олдидан ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳондаги барча мамлакатларга мурожаат қилиб, олимпиада ўйинлари ўтказиладиган кунларда қуроли мўжароларни тўхтатишга даъват қилди. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Халқаро Олимпия кўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранча йўлаган мактубда ҳам тиңчиликни мустаҳқамлаш гоёлари ҳақида сўз юритган.

## ЧЕГАРА МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Перу ва Эквадор давлатлари ўртасида узоқ йиллардан буён чегара масаласида келишмовчиликлар мавжуд бўлиб, бир неча марта қуроли тўқнашувлар ҳам содир бўлган эди. Перу Президентини Альберто Фухимор ва Эквадор Президентини Фабиан Аларкон норасмий тарзда учрашиб чегара масалаларини муҳокама қилишган. Ҳозирча бир қарорга келишмаган бўлса-да, томонлар ушбу ва бошқа масалалар юзасидан комиссия тузишга келишиб олишган.

## ҲАЛОКАТ

Италиянинг Алп тоғлари этагида жойлашган Тренто вилоятида кутулмаган фалокат содир бўлди. АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қарашли самолёт Кавалези шаҳри атрофида машқ қилаётиб, дам олувчиларни тоққа олиб чиқиш учун қўрилган осма йўлининг трюсини узиб юборган. Натижада ичида 20 нафар чангич бўлган кабина жарликка қулаб тушган. Эстония пойтахти Таллинда сафарда бўлган Италия Бош вазири Р. Проди фожиадан чуқур кайғуга тушиб «бундай вазиятда кабинадагилар эмас, самолётдаги одамлар ҳалок бўлиши керак эди», деб айтган. Самолёт эса соғ-омон Босниянинг Авяно шаҳридаги қароргоҳга келиб қўнган. Хориж оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

## ИСЛОҲОТЧИ АРБОБ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

«Хитой ислохотларининг отаси» деб тан олинган йирик давлат арбоби Дэн Сяопин вафотига яқинда бир йил тўлади. Хитой Халқ Республикаси телевидениеси буюк ислохотчи ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи кенг қамровли «Замонанинг буюк кишиси» деб номланган кўп қисмли кинофильми намойиш қилмоқда. Фильм Дэн Сяопин вафот этган кун — 19 февралгача давом этади.

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Хуқуқ ва қонуночилик 136-07-94; Иқтисодий 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги 136-37-85; Мавнавият 136-35-60, 132-10-65; Халқаро 136-29-49, 131-07-48; Фан, турмуш, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08; Халқаро ҳаёт 132-11-15; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г — 0984, 41579 нумерда босилди, ҳажми — 2 тибок. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2

Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

САНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Митбуғочилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Сафаров. Навбатчи — Ф. Сапаев. Мусоҳиҳ — Ш. Машираббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 22.25 1 2 3 4 5 6